



O'zMTDP — www.mt.uz

MILLIY TIKLANISH

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 37 (1035) 2019 йил 25 сентябрь, чоршанба
1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган



ЯНГИ ДАВР, ЯНГИ САЙЛОВЛАР!

САЙЛОВЛАР МАМЛАКАТИМИЗДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР, ЯҚИН ВА ОЛИС ИСТИҚБОЛ УЧУН БЕЛГИЛАБ ОЛИНАДИГАН СТРАТЕГИК ТАРАҚҚИЁТНИНГ ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ

Ҳикмат

Гарчи ишнинг қандай яқунланиши тақдир ларғаси ортида лширин бўлса ҳам, ақли расо ва хушёр кишилардан кенгашу тағбир истаб, фикрларини билмоқ лозимдир.

ҲМДР ТЕМҶУР

БУГУН ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ ХVIII ПЛЕНУМИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ ШТАБИ ИШ БОШЛАДИ.

Бугун Тошкентда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгашининг XVIII Пленуми бўлиб ўтади.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловда ЎзМТДПнинг иштироки, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар партия ташкилотларининг навбатдаги Конференцияларини ўтказиш, партиянинг янги таҳрирдаги Устави, Дастури ҳамда сайловолди Платформаси лойиҳаси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг VI Съездини чақириш, шунингдек, партия ваколатига доир бошқа масалалар муҳокама қилинади.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси халқни “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” умуммиллий ғояси атрофида бирлаштиришга асосланган мамлакатни ривожлантириш йўлини қўллаб-қувватлайди.

ЎзМТДП сайловолди Платформасидан

“2019 ЙИЛ, 22 ДЕКАБРЬ.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН. ЯНГИ САЙЛОВЛАР!”

Бу галги сайловда 20 миллиондан ортиқ сайловчи беш сиёсий партиядан кўрсатилган номзодларга овоз беради. Эътиборлиси, уларнинг икки миллионини сайловда илк бор иштирок этаётган ёшлар ташкил қилади.

“Бир одам — бир овоз” тамойилини қарор топтириш мақсадидаги муҳим янгиликлардан яна бири — бугун мамлакат бўйича сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати шаклланишидир.

Сайлов жараёнлари билан боғлиқ маълумотларни энди кун-у тун ишлайдиган “Call-center” маркази ҳамда телеграм.бот орқали олиш мумкин.

Шу йилнинг 20 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Халқаро матбуот марказида бўлиб ўтган мажлисида 2019 йил 22 декабри — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови куни деб белгиланди. Комиссия раиси Мирзо Улуғбек Абдусаломов Сайлов кампанияси 20 сентябрдан бошланганини эълон қилиб, ушбу сана катта ўзгаришлар даврида яшайётган халқимиз учун демократик тамойилларга нечоғли амал қилишимизни кўрсатувчи ҳамда фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини таъминловчи муҳим сиёсий кун сифатида тарих саҳифасидан жой олаётганини таъкидлади.

Мажлисида бўлажак сайлов Ўзбекистонни ривожлантиришнинг беш муҳим устувор

йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топган илгор демократик ғояларнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси экани айтилди. Жамият ҳаётида кўппартиявийлик, сиёсий плюрализм, фикрлар ранг-баранглиги, очиқлик ва ошқоралик, бағрикенглик каби инсонпарварлик тамойиллари тобора мустаҳкам ўрин олаётгани қайд этилди.

Комиссия раиси навбатдаги сиёсий тadbирнинг энг муҳим жиҳатлари ҳақида гапириб, илгари ўтказилган сайловлар беш қонун ва 40 га яқин қонунности ҳужжатлари билан тартибга солинган бўлса, бўлажак сайлов ягона Сайлов кодекси асосида ўтказилишини таъкидлади.

Сайлов кодексини ишлаб чиқишда уч асосий манбага таянилди. Биринчиси, унда миллий қонунчилик ва демократик сайловлар ўтказиш борасидаги қарийб 30 йиллик сайлов амалиёти-мизга эътибор қаратилди. Иккинчи манба илгор хорижий тажрибадан иборат бўлиб, янги Сайлов кодексини ишлаб чиқишда 40 давлатнинг сайлов қонунлари ўрганилди. Учтинчиси эса сайловларга доир халқаро стандарт ва демократик принциплар, жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт, ЕХҲТнинг инсонийлик мезонлари тўғрисидаги ҳужжатлар — 1990 йилги Копенгаген ҳужжати, Парламентлараро Иттифоқнинг Адолатли сайловлар тўғрисидаги декларацияси каби ўндан ортиқ халқаро ҳужжат таҳлил қилинди. Уларнинг асосий ғоя ва

стандартларидан Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси нормаларида имкон қадар фойдаланилди.

Илгари ҳар бир ҳудуднинг ўз локал рўйхати асосида иш кўрилар ва бунда бир киши бир неча участкадан овоз бериши мумкин эди. Энди эса ҳар бир сайловчининг овоз берган-бермагани ягона базада қайд этилади. Электрон рўйхат бир оила ўрнига бир киши келиб овоз бериши ҳолатига чек қўяди.

Бўлажак сайловда Ўзбекистон Экологик ҳаракатига берилган квота чиқариб ташланди ва Сайлов кодексига биноан эндиликда сиёсий партиялар Қонунчилик палатасига бўлажак сайловда 135 эмас, балки тўлиқ 150 сайлов округидан номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлди.

Имконияти чекланган фуқаролар учун уларнинг сайлов участкаларига келиб-кейтиши ва овоз бериши учун қўлай шарт-шароит яратилади: Брайл алифбоси асосидаги бюллетенлар ишлаб чиқилади. Бу йилги сайловда жазони ўташ муассасаларидаги шахслар ҳам иштирок этади. Илгариги сайловларда фақат қамқоқда ўтирган, лекин ҳали суд ҳукми чиқмаган, айби тўла аниқланмаган шахсларгина сайловда иштирок этган бўлса, эндиликда жазони ўташ муассасаларидаги ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларга ҳам ўзининг сайлаш ҳуқуқидан фойдаланиш имконияти яратилади. Шунингдек, овоз бериш жараёнида сайловчи-

ларга бир неча белгилардан (+, v, x) бирини қўйиш имконияти берилмоқда.

Шу куни журналист ва блогерларнинг сайловолди тadbирлар ҳамда сайлов жараёнини кузатиши, оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишга хизмат қилувчи Халқаро матбуот маркази ишга туширилди. Марказ замонавий ахборот технологиялари билан тўла таъминланган бўлиб, тезкор Интернет тармоғига уланган. Марказнинг худудий бўлинмаларида ҳам худди шундай шарт-шароит яратилган.

Мажлис ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси, сиёсий партияларнинг раҳбарлари Халқаро матбуот марказининг махсус безатилган залига таклиф этилди. Улар шаффоф тугмачаларни босиб, сайлов кампаниясига тантанали равишда старт берди. Улкан экранда “2019 йил, 22 декабрь. “Янги Ўзбекистон. Янги сайловлар!” тасвири пайдо бўлди. Маросимда хозир бўлган Марказий сайлов комиссияси аъзолари, партиялар, вазирилик ва идоралар вакиллари, маҳаллий ҳамда хорижий журналистлар бошланган сайлов кампаниясини қарсақлар билан қарши олди.

Шундан сўнг сайлов комиссияси раиси ҳамда партиялар раҳбарлари журналистларнинг сайлов жараёни билан боғлиқ саволларига жавоб берди.

Раваҳан МАҲМУДОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловга илк қадамини қўйди. Партия Марказий кенгашида сайлов штаби очилди. Штаб ичида журналист ва блогерлар учун очиқ майдон ташкил қилиниб, матбуот маркази хизмати йўлга қўйилди.

Оммавий ахборот воситалари ходимлари матбуот маркази хизматида хохлаган пайтда фойдаланиб, сайлов жараёни ва унда ЎзМТДПнинг иштироки ҳақида ўзларини қизиқтирган маълумотларни олиши имконияти яратилди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгашида партиянинг Марказий сайлов штаби очилиши тadbирини байрамона тус олгани ҳам бежиз эмас. Унда партия фракцияси аъзолари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, худудий кенгашлар вакиллари, фаоллар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тadbирни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери ўринбосари, партия Марказий кенгаши раиси Алишер Қодиров очиб берди.

— Янгиланаётган Ўзбекистонда янги сайлов ўзгача руҳда, янги муҳитда ўтказилиши ҳар бир соҳадаги ислохотлар ва ўзгаришларни яққол намоён этиши зиммамизга улкан масъулият юклайди, — деди партия етакчиси. — Ушбу қизгин сиёсий жараёнда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам ўз ғояларини ҳаётга изчил татбиқ этган ҳолда фаол иштирок этиши, парламентда энг кўп депутатлик ўрнига эга бўлишни режалаштирмоқда. “Инсон ўзгарса — жамият ўзгаради” шiori остида аҳолини ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ўрганиш ва бартараф этишга кўмаклашиш, таъ-

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Марказий сайлов штаби иш бошлади

ҚАНИ, КЕТДИК...

лим ва тарбия сифати ва узлуксизлигини таъминлашга эътибор қаратиш, миллий қадриятларимизни аҳоли орасида кенг татбиқ этиш асосий мақсадларимиз саналади. Таъкидлаш жоиз, сайловга номзодларни танлаб олишда ўз стратегиямизни белгилаб олдик. 28 мингдан ортиқ заҳира кадрлар орасидан партия ғояларини чуқур ҳис этадиган, сайловчилар билан мулоқот қилишда очиқлик, ҳаққонийлик ва шаффофликни устун қўядиган номзодлар танланади. Барчангиздан сайлов жараёнида фаол иштирок этишингизни сўрайман.

Тadbир Марказий кенгаш биносининг конференция залида иштирокчиларга партиянинг сайловга тайёргарлик жараёни, Республика бўйлаб ўтказиладиган тарғибот ишла-

ри бўйича батафсил маълумот берилди. Марказий сайлов штабида оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўйича ўзига хос семинар машғулоти ҳам ўтказилди.

Дилфуза МАҲҚАМОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири



ТАДБИРКОРЛАР ҚАТЛАМИ ЎзЛиДеПни ТАРК ЭТАЯПТИМИ?

Ўтаётган ҳар бир кун бизни муҳим сиёсий тadbир – парламент ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларга яқинлаштирмоқда. Сайловга 88 кун қолди. Сиёсий партиялар бўлажак сайловда муносиб иштирок этиш мақсадида тарғиботнинг турли усулларидан фойдаланмоқда. Бу жараёни кузатиб турган айрим нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ижтимоий тармоқлар орқали партия ва депутатлар фаолияти, умуман, бўлажак сайлов билан боғлиқ масалаларда турли сўровлар ўтказиб, кенг жамоатчилик эътиборини тортишга ҳаракат қилмоқда.

Албатта, бундай сўровлар асосида депутатлар фаолияти, фуқароларнинг бўлажак сайловда қайси партия номзодига овоз бериши, сайловда қайси партиянинг қўли баланд келиши бўйича тугал ва якуний хулоса чиқариб бўлмайди. Аммо унда иштирок этаётганлар сони тобора ошиб бораётгани, кўпчилик унга қизиқиш билан қараётгани қувонарли ҳолат. Қолаверса, таъкидлаш лозим, айрим норасмий сўровлар натижаси фуқароларнинг қарашларини буткул ўзгартириб юбориши ҳам мумкин.

“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ҳам бу борада анчайин фаол. Умуммиллий ҳаракат фуқароларни сайлов жараёнига қизиқтириш, сиёсий партияларнинг ўртасида қизгин рақобатни юзага келтириш мақсадида “Сайлов — 2019” туркумида турли сўровлар ўтказяпти. Яқинда “Юксалиш” инфографикалар орқали сиёсий партиялар электоратининг сифат таркибини маълум қилди.

Кутилганидек, инфографикаларда партияларнинг мақсад ва вазифалари, ғоясидан келиб чиққан ҳолда аҳолининг қайси қатлами манфаатини кўпроқ ҳимоя қилган бўлса, аъзолари сонида ўша соҳа ходимлари кўпчиликни ташкил қилган.

Инфографикаларни кузатиб, айрим партиялар сон ортидан қувиш, аъзолари сонини сунъий равишда кенгайтириш амалиётидан ҳамон воз кечмаганини кўриш мумкин. Мисол учун, ХДПга доир инфографикада партия аъзолари сафида на илм-фан аҳли, на ёшларни кўриш мумкин. Партия сафини, асосан, ижтимоий ҳимояга муҳтожлар — пенсионер, ногирон, нафақа олувчи, боқувчиси йўқ, ишсиз ва ташқи мигрантлар ташкил қилган. Сўровдан Халқ демократик партияси аъзоларининг 55 фоизидан кўпрогини ташқи меҳнат мигрантлари, мардикор ва ишсиз фуқаролар ташкил қилгани ҳақидаги маълумот хийла ажабланарли. Хорижда асосан “қора меҳнат” билан шуғулланадиган мигрантлар кўнглига партияга аъзо бўлиш истиғи қай даражада сиғиши мумкин? “Адолат” СДП аъзоларининг 45 фоизини соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаси ходимлари ташкил қилишига ҳам шубҳамиз бор. Чунки яқинда ўқитувчиларнинг телеграм каналларидан бирида ёзилган хабарни ўқиб қолдим. Унда аксарият



ўқитувчилар қайси партия аъзоси (ҳатто номини ҳам аниқ билмайди) эканини орадан анча вақт ўтиб билганини таажуб билан ёзишган. Яна бир ўқитувчи эса бунинг сирини ошкор қилган: партия вакиллари мактаб директори билан ўзаро келишиб, ўқитувчиларни ўз сафига аъзо қилган. Яъни, партия сафига иккинчи томоннинг хоҳиши билан аъзо қилинмайган.

ЎзЛиДеП ташкил қилингандан буён тadbиркор ва ишбилармонлар партияси экани ҳақида бонг уриб, асосан, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишини таъкидлаб келади-ю, негадир партия сафида ушбу қатлам эгалари сони жами аъзоларнинг атиги 23 фоизини ташкил қилган, холос. Ёки тadbиркорларнинг партиядан кўнгли совуётганмикан?

Аввал бошдан илм-фан аҳли ва зиёли ёшлар партияси сифатида эътироф этилган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ўз сафига ҳақиқатан ҳам маърифат аҳлини кўпроқ жамлагани билан бошқа партиялардан катта устунликка эга. Партия ўз сафида талаба ёшларни бирлаштириш бўйича ҳам энг юқори кўрсаткични (46.9 фоиз) қайд этган.

Маълумки, ёшлар ҳар бир давлатнинг келажаги, салоҳиятини белгиловчи муҳим ижтимоий қатлам саналади. Ҳар бир жамиятнинг тақдири ва истиқболи ёшларнинг салмоғи, маънавий тафаккури билан белгиланади.

Шу маънода, ЎзМТДП аъзолари сафида талабаларнинг улуши қарийб 50 фоизни ташкил қилгани қувонарли ҳолат. Зеро, ёшлар



эртанги фаровон кунини “Миллий тикланиш” орқали кўраётгани бежиз эмас. Чунки ҳозир таҳсил олаётган талабалар – зиёли қатлам келажаги. Улар ҳам эртага ўзлари танлаган йўналиш бўйича етук мутахассис бўлиб, зиёлилар сафига қўшилади. Қолаверса, партия ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат, маънавият асослари билан тўлдириш, уларни миллий урф-одатлар, диний бағрикенглик руҳида тарбиялашни бош ғоя сифатида белгилаган. Айниқса, бугун глобаллашув жараёни тезлашаётган, “оммавий маданият” таҳдиди кучаяётган ХХI асрда ёшлар масаласи ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланди.

Тан олиш керак, бугунги кун ёшлари замонавий фанлар, илғор технология сирларини ўзлаштиришда биз катталарни анчайин ортда қолдириб кетди. “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!” деган эзгу ғоя остида юксак замонавий талабаларга жавоб бера оладиган, янгича қараш ва мустақил фикрга эга ёшлар тобора кўпаймоқда. Шу боис, давлатимиз раҳбари ҳам ўзини шу юрт келажаги учун жонини тиқишга тай-

ёр, ватанпарвар, бугун барча соҳада амалга оширилаётган ислохотларда шунчаки кузатувчи бўлмай, янгича инновацион ғоя, таклифлари билан фаол қатнашаётган бир гуруҳ иқтидорли ёшларни вазирлик ва идоралар, йирик компания, банклар ҳамда нуфузли ташкилотларга масъул лавозимларига тайинламоқда.

Шу жиҳатларни эътиборга олсак, ЎзМТДП ўз сафига кўпроқ ёшларни бирлаштираётганини катта ютуқ сифатида баҳолаш мумкин. Жамиятнинг “янги қон”и сифатида қаралаётган иқтидорли, маънавияти мукамал, таълим-тарбияли, миллий қадриятларимизни улуғловчи ёшларга юртимизнинг эртанги кунини бемалол ишониб топширсак бўлади. Зеро, ЎзМТДП миллий ғоя ва унинг мафкуравий негизларини пухта ишлаб чиқиш, ёш авлодни миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби муҳим вазифаларни ўзида мужассам этган “Миллий тикланишдан” — миллий юксалиш сари” тамойили ва бош ғояси тарафдоридир.

Равшан МАҲМУДОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Партия ўзбек тилини замонавий тил тараққиёти қонуниятларига кўра ривожлантириш, адабий тил меъёрларига тўлиқ амал қилиш, давлат хизматчилари давлат тилида эркин сўзлашиш ва ҳужжатларни юриштиш кўникмаларига эга бўлишларини назорат қилиш, бу борада назоратни амалга оширувчи ваколатли орган ташкил қилиш ташаббусини илгари суради.

ЎзМТДП сайловли Платформасидан

Партия, миллий ахборот макони ва ахборот инфратузилмасини ривожлантирмай туриб, сўз эркинлиги ва ахборот очиқлигини таъминлашга эришиб бўлмайди, деб ҳисоблайди.

ЎЗМТДП сайловолди Платформасидан

“САЙЛОВЛАР: ҒАЛАБА СТРАТЕГИЯСИ ВА ТАКТИКАСИ”

ана шу мавзуда жойларда ўқувлар ташкил этилди

Сайлов компанияси расман шу йилнинг 20 сентябрь куни бошланган бўлса-да, лекин партиялар аллақачон номзодларни деярли саралаб бўлди.

Партия Дастури ва сайловолди Платформасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича кўплаб дебат, очиқ мулоқот, давра суҳбатлари ўтказилди.

Сайловда муносиб иштирок этишга йўналтирилган тарғибот-ташвиқот тадбирлари янада кучайтирилди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ҳудудий кенгашларида ўтказилган “Сайловлар: ғалаба стратегияси ва тактикаси” мавзусидаги семинар-тренинглар сиёсий тадбирга тайёргарликнинг муҳим bosқичи ҳисобланди. Уч кун давом этган ўқувларда партия вилоят, туман, шаҳар кенгаши раислари, мафбуравий ишлар бўйича ўринбосарлар, фаоллар иштирок этиб, сайлов билан боғлиқ барча жараёнлар хусусида мутахассисларнинг маърузалари тингланди.

Маълумки, шу йилнинг 25 июнида “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида” ҳамда “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги 5 қонун яхлит ҳола келтирилиб, ягона Сайлов кодекси қабул қилинди. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки юқорида номи келтирилган қонуларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари билан боғлиқ айрим меъёрлар уларнинг деярли барчасида тақдорланган, қолаверса, дунёнинг 40 давлатида Сайлов кодекси қабул қилинган. Шу боис Ўзбекистонда ҳам халқро талаб ва тамойилларга жавоб берадиган ягона Сайлов кодексини қабул қилиш зарурати туғилди.

ЎЗМТДП ҳудудий кенгашларида ўтказилган семинар-тренингдан кўзланган мақсад ҳам партия вакиллари орқали кенг жамоатчиликни Сайлов кодексининг мазмун-моҳияти билан яқиндан таништириш, унга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида маълумот бериш эди. Шунингдек, тренинг иштирокчилари “Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги”, “Халқро тузилмалар ва хорижий давлатлар вакилларининг Ўзбекистонда ўтказилган сайловлардаги иштироки”, “Сайлов компанияси тактикаси”, “Сайловолди тарғибот-ташвиқот ва ОАВ билан самарали мулоқотга ки-



Семинар-тренинг

риш”, “Сайлов жараёнларининг ижтимоий тармоқларда ёритилиши, блогерларнинг сайлов шаффоғлигини таъминлашдаги ўрни”, “Сайловга доир PR технологиялар”, “Сиёсий дебат ва баҳс-мунозараларда ўзини тўтиш ва интервью бериш қоидалари” каби мавзуларда маърузалар тинглади. Сайловнинг демократик тамойиллар асосида очиқ-ошкора, шаффоф ва адолатли ўтишини таъминлаш бўйича ўзаро фикр алмашилди.

— Мамлакатимизда демократик талаблар ва умумэътироф этилган халқро стандартларга мос, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминловчи сайлов тизими яратилди. — дейди ЎЗМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан ўтказилган семинар-тренинг иштирокчиси Жамила Ўрозбаева. — Семинарда сайлов тизимига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида кенг маълумот ва тушунча берилди. Сиёсий билимларимизни янада мустаҳкамладик. Партия ходимларининг сайлов жараёнига тайёргарлиги ҳамда “Сайлов кодекси”нинг мазмун-моҳияти билан танишиш, номзодлар билан ишлаш, уларни танлаб олиш борасида тажрибамизни ўртоқлашдик.

Самарқандда партия вилоят кенгаши томонидан ўтказилган семинар-тренингда сайлов жараёнининг янада шаффоф ва ошкора ўтишини таъминлаш мақсадида жорий йилда Сайлов кодекси қабул қилингани, унга мувофиқ сайлов қонунчилиги янада такомиллаштирилиб, қатор янги тартиб ва тамойиллар жорий қилингани таъкидланди. Сайлов билан боғлиқ мавзуларда маърузалар ўқилиб, иштирокчиларга замонавий сайлов тизими, ривожланган давлатлар тажрибаси ҳақида батафсил маълумот берилди.

— Бундай семинар-тренинглар

Сайлов кодексидеги янгиликларни кенг жамоатчиликка етказиш, сиёсий тадбирнинг юксак савияда ўтишини таъминлаш, ўз номзодларини илгари суриб, муваффақият қозонишга интилаётган сиёсий партия ходимларининг билим ва кўникмаларини янада оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиз, — дейди ЎЗМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши етакчи мутахассиси Шаҳноза Қаҳҳорзода. — Сайловларга пухта ҳозирлик кўриш, номзодлар олдида турган муҳим вазифалар, сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини ташкиллаштириш ва унда муваффақият қозониш йўлларини изчил таҳлил қилиш, партиянинг муносиб иштирокчини таъминлаш каби мақсад ва вазифаларимизни яна бир бор таҳлил қилиш, чора-тадбирларни белгилаш олдик.

— Партия Навоий вилоят кенгаши ўтказган семинар-тренинглар олдига-гидек эмас, балки ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив усулда ўтказилди, — дейди партия Нурота туман кенгаши етакчи мутахассиси Шерали Аллаёров. — Иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда сиёсий масалалар бўйича кизгин баҳс-мунозара олиб борди, ўз мустақил қараш, фикр-мулоҳазаларини баён этди. Ўқув жараёнида олган билим ва маълумотлар сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларида қўл келади, деб умид қиламиз.

Таъкидлаш лозим, семинар-тренинглардан кўзланган асосий мақсад, аввало, сайловда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг муваффақиятли иштирокчини таъминлаш, халқ ишончини қозониш, юртимиз тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшадиган фаол, ташаббускор, депутатликка номзодларни кўрсатиш, партия мавқеини янада мустаҳкамлашдир.

Равшан МАҲМУДОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

ЎЗМТДП Тошкент шаҳар кенгаши ташаббу-
си билан ҳамкор ташкилотлар иштирокида
ёшларнинг адабиёт ва санъатга бўлган қизиқишини ошириш,
истеъдодини юзага чиқариш, эркинлигимиз қадрини янада
юксалтиришга қаратилган “Мустақиллик — менинг тасавву-
римда” кўрик-танловининг якуний bosқичи бўлиб ўтди.

НАФИС САНЪАТ ШАЙДОЛАРИ РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Президентимизнинг шу йил 19 март куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурган 5 муҳим ташаббуси ижроси доирасида ўтказилган танловда пойтахтимиздаги барча умумтаълим мактабларининг 14-17 ёшдаги ўқувчилари иштирок этди.

Танловнинг мактаб ва туман bosқичи шу йилнинг апрел ва май ойларида ўтказилган эди. Икки йўналиш — шеърят ва рассомчилик бўйича ташкиллаштирилган мактаб bosқичида 5 минг ўқувчи қатнашди, улар орасидан танлаб олинган 500 ўқувчи туман bosқичида беллашди. Унда ғолиб бўлган 22 нафар иқтидорли ўқувчи эса танловнинг Тошкент шаҳар bosқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Мактаб, туман ва шаҳар bosқичида халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туман Кенгашларига ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар ҳам кузатувчи, ҳам ҳакам сифатида фаол иштирок этди. Шунингдек, ҳакамлар ҳайъатига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидан атоқли шоирлар, Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтидан мутахассислар жалб қилинди.

— Туман bosқичида ғолиб бўлган ўқувчиларнинг она Ватан, Мустақилликни мадҳ этган энг сара шеър ва тасвирий санъат асарлари яхлит мўъжаз китобча ҳолига келтирилиб, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туман Кенгашлари депутатларининг ҳомийлигида чоп этилди. — дейди партия Тошкент шаҳар кенгаши раиси Отабек Жиянбаев. — Шунингдек, рассомчилик йўналишида ғолиб бўлган иштирокчилар асарларининг кўргазмасини ҳам ташкил қилдик. Албатта, бундай танловлар ижод оламига энди кириб келаётган ёш ижодкорларнинг иқтидорини рағбатлантириш, уларнинг мурғак қалбларида адабиёт, тасвирий санъатга бўлган қизиқиш ва меҳрни янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Шеърят йўналишида Сергели тумани иштирокчиси биринчи, Шайхонтоҳур тумани вакили иккинчи, учинчи ўринни эса Юнусобод тумани ўқувчилари эгаллаган бўлса, рассомчилик бўйича Яшнобод тумани вакиллари биринчи, Миробод тумани иккинчи, Юнусобод туман вакиллари эса учинчи ўринга муносиб кўрилди. Ғолиблар, мактаб жамоалари ва ўқитувчилар ЎЗМТДП ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг ташаккурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Бунёд ЎРОЛОВ,
ЎЗМТДП Тошкент шаҳар кенгаши етакчи мутахассиси





» Намунали депутат

“САЙЛОВЧИ МУАММОСИ МЕН УЧУН ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА”

“Тошлоқ тумани Варзак қишлоғиданман. 2008 йилда туғилган фарзандим Муҳаммадсаид Сомидовга туғма юрак касаллиги ташхиси қўйилган. Онанам-да, кўз ўнгимда ўғлимнинг саломатлиги ёмонлашиб бораётгани кўнглимни кемтик қилиб келаётганди. Ўтган йили оз-моз тўплаган пулимизга Андижон шаҳридаги клиникалардан бирида жарроҳлик амалиётини ўтказдик. Шунда шифокорлар 1-2 йилдан сўнг яна операция қилиш кераклигини айтишганди. Моддий етишмовчилик боис ёрдам сўраб Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Тошлоқ туман кенгашига мурожаат қилдим. Партиядан халқ депутатлари туман Кенгашига сайланган депутат Зиёда Халилованинг саяб-ҳаракати билан вилоят ҳокимлигининг амалий кўмаги орқали академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургик марказига ордер олишга эришдик...”

етук инсон бўлишни чин дилдан истаётганини билдирди.

...Кўмак бериш ва яхшилик қилиш инсонга хос эзгу фазилатлардан. Юртимизда ўзгаларнинг дардини ҳам ўзиники деб биладиган, эл ичра эътибор топиб келаётган инсонлар талай. Тошлоқликлар Зиёда Халиловани ана шундай куюнчак инсон сифатида танишади. “Бирники мингга, мингники туманга” деган иборанинг асл мазмунини яхши англаган халқ вақили ҳар бир муаммо юзасидан туман, вилоят мутасаддилари эшигини таққиллатишдан чарчамайди.

Буни унинг сайловчилар билан доимий алоқада бўлиб, муаммоларни ҳал этишдаги фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Тумандаги Салла маҳалласида яшовчи Собир ота Қорабоев оиласи кам таъминланганлар рўйхатида туради. Тақдир тақозоси билан кўз нури анча хираллашиб, умуман кўрмай қолиш даражасига етган Собир отанинг халқ вақилига мурожаати безътибор қолдирилмади. Яъни, депутат кўмаги билан унга Фарғона вилоят

кўз касалликлари шифохонасида кўз гавҳари қўйилди. Шунингдек, фуқаро Фуқрат Қосимовнинг буйрак фаолияти издан чиққани, кундан-кунга аҳволи оғирлашаётгани боис вилоятдаги ихтисослашган шифохонада операция жараёни амалга оширилди.

Президентимизнинг одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очиқ мулоқотда бўлиш, оғирини енгил қилиш — аҳолининг давлат ва жамиятга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади, деган сўзларини ўз шioriга айлантирган халқ вақили ҳар бир мурожаатни батафсил ўрганиб, мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови юборади ва уларнинг ижросини доимий назоратига олади. Шу боис, тумандаги Бектўпи ва Қипчоқариқ кўчасига асфальт, Насаф ҳамда Кўприкбоши кўчасига шағал ётқизилди. Варзак қишлоғидаги 6-сонли мактабгача таълим муассасаси ичимлик суви билан таъминланди. “Сувоқова” ДУК туман филиали раҳбарига депутатлик сўрови юборилгач, 600 метр сув

қувури олиб келиб ўрнатилди.

Депутат фаолиятдан бундай мисолларни яна кўп келтириш мумкин. Масалан, Варзак маҳалласида яшовчи 5 ёшли Эътиборхон Каримовга ҳам Муҳаммадсаид сингари туғма юрак пороги ташхиси қўйилган эди. Шу йилнинг 28 май санасида Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида операция жараёни амалга оширилди. Аини кунда қизалоқнинг соғлиғи яхши томонга ўзгарган.

— Аҳолининг қувонч ва ташвишларига шерик бўлиш, уларнинг қалбига йўл топиш, дардига дармон бўлиш фаолиятимизда асосий ўрин тутаяди, — деди Зиёда Халилова. — Аиниқса, тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда муаммонинг илдизига етиб борганимизда, унинг ечимини топанганимизда ўз меҳнатимиздан розилик ҳиссини туямиз. Биргина мисол, соғлиғи тикланган Эътиборхоннинг қаршимга югуриб чиққанини кўриб

қувончимга қувонч қўшилади. Яна бир гап. Ҳар йили 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини арафасида тумандаги имконияти чекланган болалар учун эхсон тадбири ташкил этилади. Бунда тумандаги кўп ташкилотлар иштирок этиб, соғвалар улашади. Болакайларнинг қувончини кўриб бир қувонсам, иккинчи томондан ҳали олдинда жуда кўп масъулиятли вазифалар борлигини ҳис қиламан.

...Сухбатимиз якунига етай деганда Муҳаммадсаиднинг жарроҳлик амалиёти самарали ўтгани, аҳволи яхши экани хабар қилинди. Бу — мунис онанинг илтижоси-ю, қўли енгил шифокорлар ҳамда халқ депутатлари Тошлоқ туман Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутат Зиёда Халилованинг саяб-ҳаракатлари натижаси. Кўнглимиздан эса ана шундай “жонкуяр депутатлар янада кўпайсин” деган ният ўтди.

Дилфуза МАҲҚАМОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Яқинда фарғоналик Камолотхон Охунова билан пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургик марказида учрашдик. Шу кунги Муҳаммадсаид жарроҳлик амалиётини ўтаётган экан. Камолотхон опа фарзанди тузалиб кетишини Яратгандан сўраб, кўзига ёш олди. “Қишлоғимизда ўғлим сингари яна бошқа беморларнинг ҳам шифо топишида кўмак бериб келаётган депутатдан миннатдоримиз” дея таъкидлади Камолотхон опа.

Шу ерда Камолотхон опага ҳамроҳ бўлиб келган депутат Зиёда Халилова билан ҳам рўбару келдик. Биз билан суҳбат чоғида у Муҳаммадсаиднинг шифо топиб, келажақда элимизга нафи тегадиган

ТАДБИРКОР ЁШЛАР ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНЯПТИ

ЎЗМТДП Хоразм вилоят кенгаши бу борада ўрганиш олиб борди

Эзгу орзу-умидлар рўёбини фарзандлар истиқболда кўриш миллий урф-одатларимизга хос гўзал фазилатларимиздандир. Азал-азалдан ота-боболаримиз ўз насли, зурриёди тақдирига жиддий эътибор қаратган. Фарзанд тарбияси келахатни ҳал қилувчи ўта муҳим вазифа эканлиги ўша даврлардаёқ жуда яхши анланган.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йилнинг 30 июнида Ўзбекистон ёшларига йўллаган байрам табриғида қайд этилганидек, ёшларнинг бизнес лойиҳалари учун “Ёшлар — келажагимиз” жамғармаси томонидан бугунги кунга қадар 692 миллиард 400 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилиб, 25 мингга яқин янги иш ўрни яратилгани, республикамиз бўйича 125 та “Ёшлар меҳнат гузари”, 19 та “Ёш тадбиркорлар” коворкинг маркази фойдаланишга топширилгани аиниқса эътиборлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги фармони ҳамда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгашининг 2018 йил 26 октябрдаги №01-683-сонли хати ижросини таъминлаш мақсадида партия Хоразм вилояти, шаҳар ва туман кенгашлари томонидан мазукур Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар юзасидан ўрганишлар олиб борилди.

Биргина Боғот туманида “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури бўйича ўтган йилда тумандаги 8 нафар ёш тадбиркорга 1 миллиард 956 миллион сўм миқдорда кредит маблағи ажратилди. Бунинг натижасида 72 янги иш ўрни яратилди. Жумладан, совутич омборини ташкил қилган ёш тадбиркор Юлдуз Беккановага 340 миллион, тикувчилик фаолиятини йўлга қўйган Моҳинур Каримбоевага 20 миллион ҳамда Суғдиёна Абдуллаевага 60 миллион сўм, нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариши учун Жаҳонгир Мадаминовага 200 миллион, паррандачиликни ташкил этиш бўйича Роҳила Ражабовага 516 миллион, нон ва қандолат маҳсулотлари цехи учун Олтинчи Алланазаровага 70 миллион, мебель ишлаб чиқариши ташкил этган Азамат Машариповга 500 миллион, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйган Дониёр Очиловага 250 миллион сўм миқдорда пул маблағи ажратилган.

Шунингдек, воҳангир Гурлан туманида Давлат дастури асосида 16 нафар йигит-қизнинг бизнес лойиҳалари маъқулланган. Бунда маиший хизмат кўрсатиш, трикотаж маҳсулотлари, қурилиш материаллари ҳамда мебель ишлаб чиқариш, тикувчилик, ўқув марказлари ташкил қилиш йўналишидаги лойиҳалар устувор ўрин тутаяди.

Вилоятнинг Янгиариқ туманида “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури доирасида 9 нафар ёшга хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқа-

риш тармоқларида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун 1 миллиард 40 миллион сўм миқдордаги кредит маблағи ажратилган. Ўрганишлар натижасида маълум бўлдики, туманда ёшларнинг кўпчилиги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш шаҳобчалари очиб, чорвачилик билан шуғулланиш истагини билдириб, ўзларининг бизнес режаларини амалга оширмакда.

— Ахборот технологияларисиз фаолиятни тезкор ва самарали йўлга қўйишни тасаввур ҳам қилолмаймиз, — дейди Янгиариқ туманида яшовчи Арслонбек Ражабов. — Деярли ҳар кунги уйимизда, ишхонада компьютер воситаларидан фойдаланамиз. Уларнинг бир мuddат ишламай қолиши зарур юмушларимиз бажарилишини орта суради. Кредит маблағлари ҳисобига туманимиз марказида компьютерларни дастурий ва техник таъмирлаш устaxonасини очдим. Компьютер қурилмалари бўйича муҳандис бўлганим бунда қўл келди.

Вилоятимизнинг барча туманида бизнес режалар ишлаб чиқиш, маслаҳат, юридик, бухгалтерия ва бошқа хизмат турларини кўрсатиш, форумлар, мастер-класслар ва семинарлар ўтказиши учун “Ёш тадбиркорлар” коворкинг марказлари ташкил этилди. Савдо-маиший ва кичик ишлаб чиқариш майдонларини яратиш мақсадида маҳаллаларда “Ёшлар меҳнат гузари” мажмуалари бунёд этилди.

“Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури доирасида жорий йилда вилоятимизда 442 та

лойиҳани амалга ошириш мақсадида 103 миллиард сўм пул маблағи ажратилиши режалаштирилган бўлиб, шундан бугунги кунгача ёшларнинг 122 лойиҳаси учун 24 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Хоразм вилоят кенгаши аъзолари сафида 416 нафар иқтисодий ёшнинг бошлиғи бизга ғурур бағишлайди. Шулардан 5 нафари Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, 1 нафари Президент стипендианти, 288 нафари турли мукофотлар билан тақдирланганлар, 122 нафар ёшлар эса халқаро спорт мусобақалари чемпионолари ҳисобланади. Улар билан алоҳида иш олиб бориш, иқтисодий ўғил-қизларимизни атрофимизга бирлаштириш, уларнинг орзу-интилишлари, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, рўёбга чиқариш муҳим вазифаларимиздан биридир.

Навқирон йигит-қизлар камолоти йўлида яратилаётган шароит, олиб борилаётган хайрли ишлар эзгу мақсадларимиз рўёбига хизмат қилиши шубҳасиз. Зеро, мамлакатимизнинг нурафшон истиқболини чуқур билим, ўткир зеҳн, теран тафаккур, ёрқин истеъдод эгалари бўлган ёшлар тимсолида кўрамыз.

Ражаббой РЎЗМЕТОВ,
ЎЗМТДП Хоразм
вилоят кенгаши раиси



КЎП ОВОЗ ТЎПЛАШДА

Ахборот технологиялари хизмати муҳим ўрин тутди



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ташаббуси билан "Партиянинг сайловолди тарғиботини ташкил этишнинг амалий масалалари ва ахборот технологиялардан фойдаланишнинг самарали усуллари" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда партия Марказий кенгаши раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари раислари, жамоатчилик билан алоқалар ва ОАВ билан ишлаш бўйича етакчи мутахассислар иштирок этди.

Мамлакатимиз ташқи дунёга эшикларини янада кенгроқ очиб, янги тараққиёт йўлидан илдам қадамлаётган, очиқлик ва ошкоралик, сўз

эркинлиги, демократик тамойиллар ҳаётимизнинг энг муҳим мезонига айланаётган ҳозирги даврда оммавий ахборот воситаларининг маъсулияти ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Маълумки, сиёсий партиялар сайловда муносиб иштирок этиш учун тарғибот-ташвиқотнинг турли усулларида кенг фойдаланишга ҳаракат қилади ва бунда, шубҳасиз, оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутди. Бугун, айниқса, аҳолига ахборотни тезкор етказишда ижтимоий тармоқлар хизматидан кенг фойдаланилапти. Бу эса сиёсий партиялар улардан самарали фойдаланиши лозимлигини таъқозо этади. Модомики шундай экан, партиянинг маъсул вакиллари иштирокида бу бо-

рада ўқувлар ташкил қилиш орқали уларнинг малака ва кўникмаларини ошириш, ўзаро тажриба алмашиш муҳим аҳамиятга эга.

Семинар-тренинг иштирокчилари соҳа мутахассисларининг "Сиёсий партиянинг сайловда самарали иштирокини таъминлашнинг амалий масалалари", "Сайловга доир PR технологиялар ва интервью бериш қоидалари", "Сайловолди тарғибот-ташвиқот ва ОАВ билан самарали мулоқотга киришиш", "Маҳаллий кенгашлар депутатларининг учрашувлари ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларининг ҳозирги ҳолати" мавзуларидаги маърузаларини тинглади. Бу борада ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олди.

— Бундай семинарлар сайловолди тарғиботи самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият эга, — дейди семинар иштирокчиси партия Андижон вилояти кенгаши раиси Ҳамиджон Омонов. — Чунки коммуникация технологияларининг имкониятлари кун, соат сайин ошиб бормоқда. Бўлаётган ўзгаришлардан доимо хабардор бўлиб турмас эканмиз, тезкор ҳаётдан ортада қоламиз, қилаётган ишимиз натижаси ҳам шунга яраша бўлади. Демак, бўлажак сайлов тарғиботида замонавий ахборот воситалари имкониятларидан унумли фойдалансанк, кўзланган мақсадга албатта эришамиз.

Р.МАВЛОНОВ

САЙЛОВДА 2 МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ ЁШЛАР ИЛК БОР ИШТИРОК ЭТАДИ

Уларнинг овозини тўплаш ЎЗМТДП учун катта имконият, демак...

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда "Тараққиёт стратегияси" маркази билан ҳамкорликда "Мен сайловга тайёрман, сиз-чи?" мавзусида ёшлар билан учрашувлар ташкил этмоқда. Илк тадбир Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтди. Шаҳарнинг Ёшлар марказида бўлиб ўтган учрашувда олий таълим муссасаларининг 1-курс талабалари ҳамда коллеж битирувчилари иштирок этди.

Конституциямизнинг 117-моддаси ва сайлов қонунчилигимизга мувофиқ, фуқароларимиз 18 ёшдан сайлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Марказий сайлов комиссияси маълумотига кўра, бу йилги сайловда иштирок этадиганларнинг икки миллиондан ортигини илк бор қатнашувчи ёшлар ташкил қилади. Уларнинг сайловда фаол иштирокини таъминлаш, ишончини қозониш, қолаверса, овозини тўплаш сиёсий партиялар учун катта имконият, демак.

Тадбирда ЎЗМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси, "Тараққиёт стратегияси" маркази директори Элдор Туляков сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнлари, миллий сайлов тизими бўйича бой тажрибамиз ҳамда халқаро демократик принциплар асосида ташкил қилинаётгани ҳақида сўзлаб берди. Хусусан, бўлажак сайловда илк бор иштирок этадиган ёшларга янги қабул қилинган Сайлов кодексига ҳамда унинг муҳим жиҳатлари хусусида маълумот берди.

Ана шундай учрашув Тошкент давлат аграр университетида ҳам ўтказилди. Партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Даврон Орипов сўзга чиқиб, мамлакатимиз сайлов тизимида ҳам муҳим ислохотлар амалга оширилаётганини қайд этди, биринчи курс талабаларини бугунги куннинг муҳим ўзгаришлари ҳамда халқаро талаблардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган Сайлов кодексига киритилган ўзгариш ва кўшимчалар билан таништирди.

— Нима учун айнан 18 ёш сайлов ёши сифатида қабул қилингани кўпчиликка қизиқ бўлса керак? — дейди партия



Тошкент вилояти кенгаши раиси Маҳмуд Назаров. — Мутахассисларнинг фикрича, бу ёшда фуқароларнинг сиёсий дунёқарашини қамол топиб, давлат ва жамият миқёсида рўй бераётган жараёнларга ўз муносабатини билдира олиш қобилияти шаклланади. Шунингдек, жисмоний, маънавий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан вояга етган, деб ҳисобланади.

Учрашувларда ёшлар ЎЗМТДП мақсад ва вазифалари, сайловолди Платформаси, партиянинг бўлажак сиёсий тадбирда муносиб иштирок этиши учун қилинаётган ишлар билан таништирилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олди. Тадбир якунида фаол иштирокчи талаба ва ўқувчилар партиянинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Хислат ХОЛМУРОДОВ,
ЎЗМТДП Чирчиқ шаҳар кенгаши раиси

Мамлакатимизда "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" ғоясини амалга оширишда қандай муаммолар мавжуд? Бу жараёнда маънавий-маърифий соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришнинг долзарб масалалари нималардан иборат?

Тадбир

МАЪНАВИЯТ ФИДОЙИЛИК ДЕМАКДИР

Республика Маънавият ва маърифат марказида ташкил этилган тадбирда айти шу масалалар муҳокама қилинди.

Анжуманда таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойиши, "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар янги тизимда ташкил қилинмоқда. Мазкур ишлар самарадорлигини ошириш, мафкуравий ишларни реал ҳаётдан узилмаган ҳолда, мавжуд муаммоларга рўпарама-рўпара туриб бажариш эса ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб турибди.

— Маънавият юксак бўлмаса, қонунлар қоғозларда қолиб кетади, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши раиси Алишер Қодиров. — Чунки маънавияти юксак инсон мавжуд қонун-қоидаларга ҳурмат билан қарайди, ён-атрофдагиларнинг сўзига қулоқ тутди, муносиб хулосани чиқаради. Хўш, маънавий ўзи нима? Унинг бир неча юз таърифи-у тавсифи бор. Аммо бир сўз билан айтганда маънавият — фидойилик демакдир. Ўзгалардан, халқдан, юртдан ҳеч нарса кутмай, ҳеч бир иддао ва илнжларсиз шахс ўзини ривожлантириши дегани. Миллий юксалиш самимийлик, оддийликни талаб қилади. Инсонпарварлик, халқпарварликни ўзида мужассамлаштиради. Шунинг учун ҳам у бутун бир халқ эришган ютуқлар ҳосиласи саналади.

Матбуот анжуманида "миллий юксалишга эришиш, халқнинг маънавиятини юксалтириш учун нима қилиш керак?", деган саволлар ўртага ташланди. Шоир-ёзувчилар, маънавий соҳа мутахассислар фикрича, жамиятда, аввало, узлуксиз маънавий тарбияни йўлга қўйиш зарур. Бунинг учун халқимизни миллий қадриятларимизга, қолаверса, мутолаға янада яқинлаштириш лозим.

— Аждодларимиз фарзанд таълим-тарбиясига миллат келажиги учун қайғуриш, бахтли-саодатли умр кечириш, ўзгаларга тобе бўлишдан ҳимояланиш, бир сўз билан айтганда, ҳаёт-мамонт масаласи сифатида қараган, — деди Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов. — Бугунги шиддатли ахборот асрида ёшларимиз онгу шуурини маънавий қадриятларимиз, миллий тарбия усулларимиз билан қуроллантирсак айти муддао. Зеро, теран тафаккурли, маърифатли ва юксак маънавиятли авлод келажигимиздир.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг тегишли фармойиш ва қарорлари ижроси доирасида миллий ғояни ривожлантириш борасида илмий изланишлар олиб бориш ва бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларининг сифатини янада яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар, маънавият ва маърифат йўналишидаги узлуксиз тизим асосида фаолиятни такомиллаштириш, тарғибот тадбирлари самарадорлигини ошириш, соҳага оид долзарб тадқиқот ишларини ташкил этиш, тарғибот воситалари бўлган муҳим қўлланма ва адабиётлар яратиш хусусида ҳам тўхталиб ўтилди. Шунингдек, фуқароларимиз қалбида улғу мақсадлар йўлида олиб борилаётган ишларга нисбатан дахлдорлик туйғусини кучайтириш борасида муҳим тақдир ва мулоҳазалар билдирилди, келгуси амалга оширилаётган долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Нигора НИШОНБоеВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

“ПРОПИСКА” МАШМАШАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ёхуд яна чўнтакда пул бўлса, чангалда шўрвами?

...Ишга шошаётган эдим: таксига чиқдим. Масофа анча олис.

Таксичи амаки анчайин сўзамол экан. Дейлик, у кўп йил уриниб пойтахтда доимий рўйхат (прописка)га эришгани билан мақтанди.

— Узоқ йил таксичилик қилиб, пойтахтдан прописка (доимий рўйхат) ололмаган эдим, мана, янги уйлардан биттасини сотиб олдиғу, масала ҳал бўлди, — деди.

— Хуллас, Тошкентдан прописка (доимий рўйхат) олиш учун бош оғритиб, давлат ишида ишлаш шарт эмас. Пул бўлса, чангалда шўрва...

Киракаш амаки яна кўчада рақобат куччилигидан, таксичилик ҳам қийин бўлиб бораётганидан нолий бошлади. Тўғриси, амакига эътироз билдира олмадим. Чунки давлат ишида ишлаб юриб ҳамон доимий рўйхат (прописка) ололмаганларнинг бири эдим-да...

Ишхонага келиб ҳам кўнглим таскин топмади.

Бир томондан амаки ҳақ: пулинг бўлса, доимий рўйхат (прописка) ҳам очик — Тошкентдан уй сотиб олиб қурувчига “инвестиция” киритсангиз бўлди, ҳаммаси осон. Аммо йиллар давомида пойтахтда яшаб, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти ривожини йўлида меҳнат қилаётган, топгани ижара-ю рўзғоридан ортамайдиган вилоятликлар нима қилсин? Ўз уйида (яшаш жойи бўйича ҳисобда бўлмагандан кейин бировнинг номига уй олишган) худди меҳмондек қўним топганлар-чи? Ҳар йили бош-оёқ хужжат йиғиш, эшикма-эшик сарғайиб, мутасаддилар қош-қовоғига қараб зорманда рўйхатга қўйдириш азоби-чи?

Ушбу масалага доир қатор қонун ҳужжатлари, қарорларни ўрганиш чоғида амин бўлдики, Тошкент шаҳридан прописка олиш пули бор одамлар учун анчайин осон иш: янги уй сотиб олиб ҳаммасини уддаласа бўлади.

Бироқ 2011 йил 14 сентябрда қабул қилинган “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида”ги қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 июндаги “Ўзбекистон Республикасида давлат уй-жой фондиди хусусийлаштириш тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида”ги ҳамда 2017 йил 19 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарорларида белгиланган барча бандлар ижроси тўла-тўқис бажарилаптими?

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2018 йил 22 январда имзолаган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини” Фаол тадбиркорлик, инновацион фоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонига “Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш мақсадида доимий ва вақтинча рўйхатга қўйиш

(ҳисобга олиш) тартибини соддалаштириш” банди киритилган эди. Ушбу йўналишдаги ишларни амалга оширишга йирик вазирлик ва идоралар — Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги масъул қилиб қўйилган, улар зиммасига:

▼ **Паспорт олиш, таълим олиш, меҳнат қилиш ва бошқа ҳуқуқларни амалга оширишда прописка билан боғлиқ чекловларни бартараф қилиш;**

▼ **Маъмурий ишларга (қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда) жалб қилинганларни вақтинчалик рўйхатга олиш тизимини соддалаштириш, улар учун уй-жой ижараси, уй-жойдан текин фойдаланиш битимини тузиш талабиди бекор қилиш;**

▼ **Тошкент шаҳри ва вилоятида доимий пропискага эга бўлмаган фуқаролар учун асосиз спекуляциянинг олдини олиш чораларини кўрган ҳолда иккиламчи бозордан кўчмас мулк сотиб олишга бўлган чекловларни бекор қилиш;**

▼ **Ички туризмни ривожлантириш мақсадида вақтинча прописасиз (яшаш жойи бўйича ҳисобда турмасдан) бўлиш муддатини узайтириш;**

▼ **Вақтинча ёки доимий прописасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмасдан яшаганлик учун маъмурий жазо чораларини енгилаштириш, яшашга йўл қўйилганлиги учун жавобгарликни бекор қилиш вазифалари юклатилган эди.**

Хўш, бу топшириқ ва вазифалар ўз муддатида бажарилдими? Афсуски юқорида санаб ўтилган талай вазифалар ижроси юзасидан сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланмади ҳисоби. Фуқароларнинг кутаётганига ҳам бир йилдан ошди...

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида бўлиб ўтган тадбирда ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси бошлиғи Бадриддин Шорихиев фуқароларнинг кўпчилиги бўлиб, бирламчи бозордан уй сотиб олаётгани, Тошкент шаҳрида шу тарихи пропискага эга бўлаётгани ва бу ҳолатни қандай баҳолаш мумкинлиги ҳақидаги саволга шундай жавоб берди:

— Содда тилда тушунтирадиган бўлсак: вилоятлардан тўртта ёки учта фуқаро ўзаро келишиб, Тошкент шаҳрида бир хонали квартира олиб, шу тўрт киши ўша квартирага прописадан ўтишмоқчи. Ўтишди ҳам. Кўп баҳсли ҳолатлар айнан пропискага



ўтиш жараёнида юзага келмоқда. Тошкент шаҳрига пропискага ўтволиш, кўпол қилиб айтганда, “уйин” бўлиб қолди. Лекин, шунга қарамасдан, кўпчилик фуқаролар судга мурожаат қилишяпти. Суд қарор чиқаргандан кейин бизнинг ходимлар фуқароларни прописка қиляпти. Ҳозир суд ёрдамида кўп муаммолар ҳал бўляпти, суд орқали пропискага ўтишяпти. Бу масалани юқори ташкилотларга маълумот тариқасида киритдик, бизга аниқ йўналиш беришларини илтимос қилдик...

Ҳа, доимий рўйхат (прописка) бугун уй қуриб сотадиغان маълум гуруҳлар учун ўзига хос бизнесга айланган. Ҳозирда Тошкент шаҳридан доимий прописка олиш учун энг кам иш ҳақи (ЭКИХ)нинг 2 минг 500 бараваридан кам бўлмаган нархга эга уй олиш тартиби бекор қилинди. Бунинг учун қиймати қанча бўлишидан қатъи назар қурилганига уч йил бўлмаган кўчмас мол-мулк сотиб олса кифоя. Аммо 5 фозлик давлат божи сақлаб қолинди. Камига давлат божи ЭКИХнинг 10 бараваридан кам бўлмасин, дея белгиланди. Бугега доимий пропискага эга Тошкентнинг туб аҳолиси уй сотиб олса 223 минг (2019 йил 1 август ҳолатига кўра) сўм бож тўлайди. Аммо прописаси йўқ бошқа фуқаро эса сотиб олаётган уйининг нархидан келиб чиқиб бир неча миллион сўм давлат божи тўлайди. Ана сизга тенг ҳуқуқли, бир хил солиқ тўловчи “икки тоифа”.

Шу ўринда прописка зорманданинг уй сотиб-олиш билан боғлиқ машамшаларини бир четга суриб, ходимлари прописка қилиниши мумкин бўлган ташкилотлар рўйхатини кўздан кечирайлик. Яқинда Тошкентда доимий пропискага кирита оладиган ташкилотлар сони яна биттага кўпайиб, улар сафига Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳам қўшилди. Ҳозир бу рўйхатда жами 88 та ташкилот маъхур. Лекин унинг бир ҳайратланарли жиҳати

бор. “Прописка” учун илтимоснома киритиш ҳуқуқи фақат давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларига берилган. Аммо ушбу рўйхатдан 5 та нодавлат но-тижорат ташкилоти ҳам ўрин олган. Яъни, Ёшлар иттифоқи, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Савдо саноат палатаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари кенгаши. Булар давлат ташкилоти ҳисобланмайди, уларнинг ҳуқуқий шакли ННТ. Демак, давлат ташкилоти дейилган рўйхатга нодавлатлари ҳам қўшилди, унда йирик ННТларни ҳам қўшиш керак. Сиёсий партиялар, Касаба уюшмалари Федерацияси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Хотин-қизлар кўмитаси ва ҳоказо.

Шу ўринда бир нарса ёдимга тушди. Бундан чамаси бир-бир ярим йилча олдин Журналистлар ижодий уюшмасидан хат келганди. Ходимларни Тошкент шаҳрига доимий пропискага ўтказиш бўйича. Тўғриси тахририятимиздаги пропискага муҳтож 4-5 ходимнинг кўзлари қувончдан порлаб кетганди. Ўзимизча орзулар ҳам қилгандик. Аммо шунча вақт ўтдики, ҳамон Журналистлар ижодий уюшмасидан “прописка”га ўтказиш бўйича хушxabар келмади.

Яна бир гап. Тошкент шаҳар ҳокимлиги антиқа рўйхатни эълон қилган эди. Жиноят қилишга мойил аёлларни 23 тоифага бўлишибди. Рўйхатнинг олд қаторида прописаси йўқ хотин-қизлар кўрсатилибди. Ана, прописанинг яна бир оғриқли нуқтаси. Демак, Тошкент шаҳрида яшаётган жамаки вилоятдан келган, хуллас, прописаси бўлмаган аёллар, у хоҳ олий маълумотли, хоҳ ўрта маълумотли бўладими — фарқи йўқ, жиноят қилишга мойил экан...

Шулар қаторида биз ҳам билиб-билмай айб иш қилиб қўйсак, прописани рўқач қилаверамиз-да а, лаббай? Худо асрасин...

Инсон камолотида унга илк бор қалам тутказган, ҳарф ўргатган, маърифат ва зиё сари етаклаган ўқитувчи ҳамда мураббийларнинг хизмати беқиёс. Борлиқни англаш, илм-фан сирларини эгаллашда барча бирдек бу шарафли ва масъулиятли касб эгалари кўмагига таянади. Шу боис устозларга бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиром туйғуси киши қалбига умрбод муҳрланади.

Бухоро давлат университети Қоракўл академик лицейи директори Ғолибжон ЖУМАҚУЛОВ билан таълим жараёнида кечаётган ислохотлар, устоз-мураббийларнинг жамиятимизда тутган ўрни, устозлик рутбаси ҳақида “Хиёбон” да мазмунли суҳбатлашдик.



“ҚОРАКЎЛ МАКТАБИ ДОВРУҒИНИ ТУШИРМАЙМИЗ”

— Бир пайтлар Қоракўл мактабининг номи тилларда дoston бўлгани, матбуот саҳифаларидан тушмагани, айна ҳақиқат. Қолаверса, унинг Бухоро давлат университети қошида қайта ташкил этилгани ҳам бежиз эмас...

— “Қоракўл мактаби” ҳақида гап кетганда ушбу мактаб асосчиси Тўхтамурод Жумаев домлани эслаб, унинг ўзига хос таълим-тарбия бериш назариясини эътироф этиш лозим. Қолаверса, яқинда домла номи билан аталувчи математика олимпиадасининг таъсис этилгани математика фани, Қоракўл таълим тизимига бўлган юксак эътирофнинг ёрқин намунаси бўлди.

Албатта, устознинг юксак меҳнати, таълим тизимига қўшган улкан ҳиссаси ҳар қандай қоракўллик қалбида фахр-ифтихор туйғусини уйғотмай қолмайди. Домланинг сазой-ҳаракати, жуда катта меҳнат, қийинчиликлар эвазига 1990 йилда таълим даргоҳимиз мактаб-интернат сифатида очилган. Ўша пайтларда мактаб-интернат деган тушунча ота-оналар онгида етим-есирларга мурувват кўрсатадиган жой сифатида ўрнашиб қолган эди. Мактаб-интернатга ўқувчилар қабул қилишда ҳам бир қатор қийинчиликларга дуч келинган. Шундай бўлса-да, мактаб-интернатга суҳбат асосида 8-синфга 20 нафар, 9-синфга 40 нафар ўқувчи қабул қилинган. 1993 йилда мактаб-интернатнинг биринчи қалдирғочлари парвози муваффақиятли бўлди. 40 нафар ўқувчидан 38 таси олийгоҳ талабаси деган шарафли номга мушарраф бўлишган. Ана шундай юксак натижа эл орасида одамлар онгидаги: “Олий ўқув юртига фақат пулдорлар киради, пули йўқнинг фарзанди ўз билими билан ҳеч қачон ўқишга кира олмайди”, деган ўша пайтдаги ҳукмрон тасаввурларга барҳам

берди. Ўқувчи ҳар томонлама мукаммал билимга эга бўлса, ўз олдига қўйган ҳар қандай эғзу мақсадга эришиши унинг ўзига боғлиқ экани амалда исботланди.

Тўхтамурод муаллим ва унинг мактабига, бу ерда сабоқ бераётган ўқитувчиларга бўлган муносабат ҳам янги ўқув йилидан бошлаб тубдан ўзгарди. Чунки ота-оналар бу мактаб ва бу муаллимларнинг нималарга қодирлигини амалда кўришди. Уларнинг бу мактаб интернат ҳақидаги тасаввурлари бутунлай ўзгарди. Оққўнғил мактаб раҳбарининг ўз вақтида қилган эзгу нияти рўёбга чиқди. Ота-оналар унга: “Фарзандимни мактабингизга олсангиз”, деб илтимос қилиб кела бошладилар. Интернатга автобус ва енгил машина сотиб олиш учун маблағ тўплаш зарур бўлганида ҳам ўз вақтида фарзандларини мактаб-интернатга беришни истаган ота-оналар биринчи бўлиб бу ишга ҳисса қўшишди.

Мактабда ўқиш учун ўқувчилар йиғишда дастлабки пайтларданок ёзилмаган қонунга амал қилина бошлади — мактабга фақат энг муносиб, энг иқтидорли ўқувчилар қабул қилинди.

Бундай ўқувчиларни одилона саралаб олиш учун улар тест синовларидан ўтказилди. Бироқ ҳеч кимга бирор-бир имтиёз, енгиллик яратилмади. Мана неча йиллар ўтибдики, шу қондага қатъий амал қилинади...

Ўтган йиллар мобайнида қанчадан-қанча билим булоқлари кўз очди. Тўғри,

йиллар давомида илм даргоҳимиз турли номлар билан аталди. Аммо энг муҳими ўзининг таълим тизимидаги муносиб ўрнини сақлаб қола олди. Бугун буни барча, республикамиз миқёсида эътироф этаётир. Албатта, мана шундай юксак ютуқлар негизда Тўхтамурод Жумаев номи алоҳида тилга олинади. Устоз: “Болага балиқ тутиб берма, унга қармоқ бериб балиқ тутишни ўргатиш керак”, деб бот-бот тақрорларди. Бугун домланинг ана шу шиорга асосланган ўқитиш тизими нафақат ўзини оқлади, балки ўқувчиларнинг қатор ютуқларига дебеча бўлди. Шу кунга қадар таълим даргоҳимизда таҳсил олган ўқувчиларнинг 100 нафардан ортиғи республика миқёсида ўтказилган фан олимпиадаларида биринчи, иккинчи, учинчи даражали дипломлар билан, 60 дан ортиғи эса АҚШ, Индонезия, Руминия, Буюк Британия, Жанубий Корея, Қозоғистон, Россия давлатларида ўтказилган халқаро олимпиадаларда олтин, кумуш, бронза медалларини қўлга киритишди.

Биргина 2018-2019 ўқув йили давомида ўтказилган халқаро фан олимпиадалари ва билимлар беллашувида бир гуруҳ ўқувчиларимиз совриндор бўлишди. Жумладан, Аббос Сайлиев математика фанидан Қозоғистон Республикасида ўтказилган халқаро мусобақада олтин, Салимхўжа Абдуллаев кумуш, Элбек Тошпўлатов бронза медалини қўлга киритишди. Бундан ташқари Лондон шаҳрида математика фанидан ўтказилган жаҳон олимпиадасида Жасуржон Имомов бронза медали соҳиби бўлди. Бу йилги академик лицей битирувчилари 92 фоиз натижа билан олий ўқув юрти талабаси бўлишди. Мана шундай ифтихор билан эътироф этишга арзигулик натижаларнинг ўзиёқ Қоракўл

мактаби даражасини, Тўхтамурод домланинг беқиёс меҳнати самарасини яққол кўрсатиб турибди.

Таълим даргоҳимиз ташкил этилганидан буён ўтган 26 йил мобайнида бу ўзига хос билим масканини икки минг нафардан зиёд ўқувчи битирди. Ҳозирда улар мамлакатимизнинг энг нуфузли олий ўқув юртлири ҳамда жаҳоннинг машҳур университетларида ўқиб, юқори малакали мутахассис сифатида республикамиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилишмоқда.

Эндиликда академик лицей ўқувчиларини чет элларда ҳам яхши билишди ва уларни “Қоракўллик истеъодлар” деб атайдиган бўлишди. Тўхтамурод Жумаев шогирдлари Қоракўл туманининг номи ва шуҳратини жаҳонга ёйдилар. Ҳозирги кунда бу ўқув даргоҳини ҳақли равишда “Жаҳонга юз тутган мактаб” деб аташди. Модомики шундай экан, “Қоракўл мактаби” доврўғини ҳеч қачон пастга туширмаймиз.

— Мамлакатимизда олиб борилаётган ўзгариш, ривожланишлар жараёнида мактаб таълимга доир ислохотларни алоҳида эътироф этиш жоиз. Айна ислохотлар мақсадли, манзилли, халқнинг, ота-оналар, педагогларнинг хоҳиш-истаги, мақсад-муддаолари, ёш авлоднинг беғубор орзу-интилишларини инобатга олган ҳолда, миллий қонунчиликка таяниб олиб борилмоқда. Бу ўқитувчиларнинг ҳам ўз ишига янада масъулият билан ёндашишга замин бўлаётир, шундай эмасми?

— Тўғри. Анчайин муаммолар гирдобиде қолган таълим тизимимизга янги эпкин кириб келди, десак асло муболаға бўлмайди. Хусусан, давлатимиз раҳбари

Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан, кўп-лаб ота-оналар, педагоглар, ёшлар, кенг жамоатчиликнинг талаб ва таклифларини ўрганган ҳолда, юртимизда 11 йиллик ўрта таълимнинг қайта тиклангани ёшларнинг билим олишга бўлган иштиёқи кучайишида, улар тарбиясини тўғри шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2018 йил 14 августда қабул қилинган “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор ҳам ўқитувчи ва мураббийларнинг ижтимоий мавқеи,

вий-маърифий билимларни пухта эгаллаши учун барча шароит мавжуд. Кутубхона таълим-тарбияга оид газета-журналлар, бадиий китоблар билан таъминланган. Дарсдан кейин барча тўғарақда мутасаддилар машғулотлар олиб боришади. Шоир у ёзувчилар, собиқ битирувчилар билан учрашувлар ўтказиб туради. Турли мавзудаги кўрик-танловларни, байрамларни кўнгилдагидек нишонлаймиз. Дарсдан сўнг катта ўқувчилар кичикларга кўмаклашади, ўзаро дўстлик, меҳр-оқибат яхши йўлга қўйилган. Устозу мураббийдан тортиб, ишчи-хизматчиларгача бу қондага амал қилишади.

меҳр-муҳаббати ва иш тажрибасини ўргатиб боришади. Ҳа, яна бир гап. Барча устозларнинг китобхонлик маданиятига ҳам алоҳида эътибор қаратамиз. Китоб инсонга маънавий озуқа, руҳий қувват берибгина қолмай, балки умр йўларини ҳам ёритувчи шамчирокдир. Бу аъёнага ёш-у катта ўқитувчиларимиз бирдек амал қиладилар.

— Албатта, ҳам академик лицей директори, ҳам ўқитувчи сифатида ривожланган давлатларнинг таълим жараёнига эътибор қаратишингиз, уларнинг таълим тизимини ўрганишингиз табиий ҳол. Айтинг-чи, Ўзбекистон таълим тизими билан жаҳон етакчи давлатларининг мазкур соҳада ўхшаш ва фарқли жиҳатлари нималардан иборат?

— Ҳар қандай жараённинг ички ва ташқи таъсир кўрсатувчи омиллари ва шарт-шароитлари бўлгани каби, таълим тизимини ташкил этишда ҳам маҳаллий ва хорижий тажрибаларнинг уйғунлигига эришиш жуда муҳим. Халқаро таълим тизимидан Англия таълим тизимини кўпроқ маъқуллашган. Уларда назариядан кўра кўпроқ амалиётга эътибор қаратилади. Касб-хунар танлашида боланинг шахсий қобилияти инобатга олинади. Болаларни психологик тестлардан ўтказишади ва руҳий тарбияланишига кучли эътибор қаратилади. Ўқитувчи дарс жараёнида амалий машғулотлар ва лаборатория ишларини бажармайди, аксинча кўрсатма бериб, ўқувчиларнинг ўзларига бажартиради. Таълим жараёнида биз ҳам ана шундай усулларни қўллашга ҳаракат қиламиз.

Мавриди келганда таъкидлаш жоиз, барчамизга маълум бир ҳақиқат бор: ҳамма нарсанинг мазмун-моҳияти, аҳамияти таққослашда билинади. Шундай экан, таълим-тарбия соҳасидаги сазъ-ҳаракатларимиз, айниқса, ёшларимизнинг аниқ ва табиий фанлар соҳасидаги изланишлари, миллий кадрятлар билан бирга умуминсоний кадрятларни пухта ўзлаштирганлиги жаҳоннинг манаман деган қатор давлатларида ҳам мутахассислар, талабаларнинг ҳавасини келтираётгани ва ҳатто ўрнат қўлаётгани ҳам бор гап. Буни чет элдан келиб таълим-тарбия тизимимизни маъқул кўраётган талабаларнинг юртимиз олий таълим даргоҳларидаги таҳлили ҳам исботлаб турибди.

— Болалик ҳақида гап кетганда энг аввал хаёлингиздан нималар кечади? Ўз фарзандингизни тарбия қилишда ота-онангизнинг қай тарбия усулини қўллашга ҳаракат қиласиз?

— Ўқитувчилик касби менга ота меросидир. Отамнинг берган ўғитлари, тарбияси, болаларни севиш, меҳр кўрсатишда беназир эканлиги доим руҳлантириб туради. Болалик чоғларимда устозларим, отамга ҳавас қилиб, қўшни болаларни йиғиб қўлимда бўр билан ўзимча “сабоқ” беришга ҳаракат қилардим. Мактабда ўрганганларимни тезроқ етказиш пайда бўлардим. Назаримда оиладаги муҳит, таълим-тарбия инсоннинг ҳар томонлама камолга етишида муҳим аҳамият касб

этади. Шу сабабми, уйимиздаги доимий мулоқот, ҳамма ўқиб-ўрганишга даъват менинг ҳам келажакда шарафли касбни танлашимга замин яратди. Бунинг учун, албатта, ота-онам, яқинларимдан ҳамма миннатдорман.

Ўзим ҳам ота бўлиб, келажакда фарзандларимнинг комил инсон, эл-юрт корига ярайдиган, жамиятнинг фаол аъзоси бўлишида қўллаб-қувватлаб, руҳлантириб тураман. Турмуш ўртоғим Фазилатхон билан биргаликда тўрт фарзандни вояга етказяпмиз. Аёлим ҳам ўқитувчи бўлгани учунми фарзандлар тарбиясида ҳам ҳамма “устоз-шогирд” аъёнасига таянамиз. Самимият ва дўстона муносабат — оиламизнинг муштақам пойдевори. Шу сабабми фарзандларимиз ҳам ота-оналаридagi билимга чанқоқлик ва камтарликни қадрлашади. Ўзлари ҳам муносиб бўлишга ҳаракат қилишади. Тўнғич ўғлим Шаҳбозжон ота изидан бориб математика фанининг чуқур билимдони, бир неча бор республика ва жаҳон олимпиадаларида иштирок этиб, совриндор бўлмоқда. Қолган қиз-ўғилларимиз ҳам акаси каби билимли ва тарбияли. Айниқса, уларнинг китобга бўлган меҳр-муҳаббати бизни қувонтиради.

— Устоз-мураббийлар меҳнати, таълим-тарбияси муносиб эътироф этиладиган 1 октябрь — Устозлар байрамига ҳам оз фурсат қолди. Аслида уларнинг олдида ҳамма қарздоримиз...

— Халқимизда бир гап бор: “Устоз — отангдек улуғ”. Устозини отасидек улуғ билган, панд-насихатига, тарбияси, сўзи-ю ўзига қулоқ тутган танти халқимиз, миллий тарбиямиз бор бўлсин. Фарзандини мураббий қўлига ишониб топширган инсон борки, кўнгли — хотиржам, нияти — эзгу. Бахту иқболи бўлган дилбанди келажакда порлоқ бўлишига дилдан ишонади. Ана шу ишончга сазовор, муносиб бўлиш ўқитувчи учун улкан бахт. Мана шундай масъулият ҳисси устозни тобора юксакликка қадар олиб чиқаверади.

Мен ҳам меҳр-муҳаббатга тўла устоз қўлида таҳсил олган, ҳозирда эса ёшларга таълим-тарбия беришдек шарафли касбни олиб бораётган ўқитувчи сифатида ҳамма қаддим тик, кўксим осмонлигидан фахрланаман. Бу фахрки, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, ҳар бир жабҳасида ўзининг муносиб шогирдлари фаолият олиб боришдан ғурурланадиган, юртга мадақкор авлодга таълим-тарбия берган оддий бир устоз фахридир.

Айтганингиздек, устознинг меҳнати фақат алоҳида кун ёки байрамда эътироф этилмайди. Устоз учун шогирдининг кичик бир муваффақиятидан, ғалабасидан қувонадиган ҳар бир куни аслида байрам. Шундай экан, меҳри дарё ўқитувчиларимизнинг масъулиятли, аммо шарафли касби ордидан топган ҳар бир қувончи оламларга татийверсин. Ҳар бир устозга шогирдлари ордидан фақат ва фақат яхши сўз эшитиш, эзгу амаллари рўёбини кўриш насиб қилсин.

Нигора НИШОНБОЕВА
суҳбатлашди.



нуфузини оширишга, ёш авлоднинг пухта, сифатли билим олиши, ўзи қизиққан йўналиши бўйича касб-хунар эгаллашига давлатимиз томонидан кўрсатилаётган катта эътиборнинг амалдаги ифодасидир. Бу эртамиз эгаларининг билимли, касб-хунарли бўлиб улғайиши, маънавияти, одоб-ахлоқи, бўш вақти устидан маҳалла-кўй ва жамоатчилик назоратининг ўрнатилишига кенг имконият яратди.

Таъкидланганидек, таълим соҳасидаги олиб борилаётган изчил ислохотлар, янгиланишлар, ўз навбатида, биз ўқитувчилар зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Бундай ғамхўрликка жавобан янада фидоий бўлишимиз, келажакимиз ворисларига таълим-тарбия бериш баробарида, уларга меҳр-эътибор кўрсатишимиз даркор. Устоз-мураббийлар бу масъулиятни чин юракдан ҳис этмасе, кўзланган мақсадга эришиш мушкул. Демак, эндиги муҳим вазифа — яхши ўқитиш ва яхши ўқиш. Яқинда ўтказилган видеоселекторда Президентимиз: “Ўзбекистон шароитида бугундан бошлаб энг ҳурматли, энг эъзозли инсон — муаллим! Давлатимиз тақдирини, миллатимиз тақдирини муҳтарам муаллимларимизга боғлиқ эканлигини ҳеч ким ҳеч қачон инкор этолмайди”, деган сўзлари бугунги кун ҳақиқати дидир.

— Таълим ва тарбия ҳамма муштарак жараён бўлиб келган. Улар бир-бирдан ажратилган жойда эса ёш авлоднинг комиллик сари етаклаш қийин кечади. Илм даргоҳингиздаги маънавий-маърифий ишларни олиб бориш даражаси ҳақида нималар дея olasиз?

— Доноларимиз “Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин”, дея бежизга айтишмаган. Мактабимизда ўқувчиларнинг маъна-

— Таълимнинг сифатли берилиши, энг аввало, ҳар томонлама юксак билим ва савияга эга бўлган ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ. Бу борада тажрибали устоз сифатида ёш педагог кадрларга нималарни маслаҳат берган бўлардингиз?

— Ўқитувчилик шарафли ва, албатта, масъулиятли касбдир. Тўғри, касблар, хунарлар жуда кўп. Аммо устозлик рутбаси ҳаммасидан юқори туради. Негаки, барча касб-хунарни ипидан-игнасигача ўргатувчи инсон меҳридарё устоз бўлади. Эзгулик йўлида хизмат қилишни дилига туккан ҳар бир ўқитувчи борки, ёш авлодга ҳам таълим-тарбия, ҳам одабийликдан сабоқ беради. Мурғак қўлларнинг келгусида қандай инсонлар бўлиб вояга етишишида устозларнинг ўрни беқиёс.

Таълим даргоҳимизга келган ёш педагог кадрларни, аввало, таъбир жоиз бўлса, инсонийлик нуқтаи назаридан “синов” дан ўтказамиз. Яъни психологик суҳбатнинг ўзидаёқ сарагини саракка, пучагини пучакка ажратамиз. Ахир, ўзи тарбияли, тафаккури кенг бўлмаган инсон қандай қилиб бошқаларга таълим-тарбия бериши, тўғри йўлга йўналтира олиши мумкин. Бундан ташқари ёш ўқитувчилар тест новларидан 100 баллик таълим тизими асосида ўтказилади. Муносиб баллини йиға олганлар ишга қабул қилинади ҳамда “устоз-шогирд” аъёнасига мувофиқ, кўп йиллик меҳнат тажрибасига эга ўқитувчиларга бириктирилади.

Малакали устозларимиз ўзларига муносиб шогирд тайёрлашда бор

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий мақсадларидан бири – инсониятга хавф туғдираётган иллатларга қарши курашишда ташаббус кўрсатиш ва давлатларни ушбу мақсадлар йўлида бирлаштиришдир.



НАРКОТАХДИДЛАРГА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК АСОСИДА ТЎСИҚ ҚЎЙИШНИ МАҚСАД ҚИЛГАН ТОШКЕНТ АНЖУМАНИ

Бугунги кунда дунёда терроризм, экстремизм каби хавф-хатарлар қаторида наркотрафик ҳам туради. Таъбир жоиз бўлса, бу учинчи хавф ҳаммасидан хатарлироқ бўлиб, нафақат одамларни жисман, руҳан ожизлаштириб, кўзлаган мақсадларидан адаштирибгина қолмай, йирик миқдордаги маблағ тўплаш воситаси ҳамдир. Шу йўл билан топилаётган маблағлар эса биринчи ва иккинчи хавфни молиялаштиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Шунинг учун ҳам БМТ гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш бўйича изчил фаолият юритмоқда. Шу мақсадда конвенция ва резолюциялар қабул қилинган. БМТ Гиёҳванд моддалар бўйича комиссиянинг 6 (XXV) резолюцияси ва ЭКОСОС кенгашининг 1776 (LIV) резолюциясига мувофиқ 1973 йилда Яқин ва Ўрта Шарқда гиёҳванд моддалар савдоси бўйича қуйи комиссияси ташкил этилган.

Мазкур комиссиянинг 54-сес-

сияси жорий йил 23-27 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистонда илк бор ташкил этилган бу йирик анжуман Яқин ва Ўрта Шарқда гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашишда халқаро ҳамкорликни янада кучайтиришни мақсад қилган.

23 сентябрь кун Тошкентдаги "Wyndham Tashkent" меҳмонхонасида ўз ишини бошлаган сессияда Афғонистон, Озарбайжон, Арманистон, Баҳрайн, Германия, Ҳиндистон, Италия, Эрон, Қозоғистон, Кувайт, Қирғизистон, Ливан, Покистон, Россия, Тожикистон, Буюк Британия, АҚШ, Яман каби давлатлардан вакиллар, халқаро ташкилотларнинг экспертлари иштирок этмоқда.

Анжуман очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Азиз Абдуҳақимов глобал муаммолардан бири бўлган гиёҳвандликка қарши курашишга Ўзбекистон давлати раҳбарияти доимий эътибор қаратаётганини таъкидлади. Бу борада халқаро ташкилотлар, жумладан,

БМТ билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Айниқса, БМТнинг наркотиклар ва жиноятчилик бошқармаси билан ҳамкорликда амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ўзбекистонда гиёҳвандликка қарши курашиш бўйича комиссия фаолият юритмоқда. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази ушбу соҳада олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириб бормоқда. Ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан қўлга олинаётган наркотик моддаларни йўқ қилиш тадбири мунтазам ўтказилмоқда. Наркотихидидлардан аҳоли, ёшларни муҳофаза қилиш мақсадида огоҳликка чорловчи тадбирлар ҳам мунтазам ўтказилмоқда. Гиёҳвандликка қарши курашишни кучайтириш мақсадида ташкил этилган йирик форум ушбу йўналишда янги босқични бошлайди.

Йиғилишда БМТ Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг ижрочи директори Юрий Федотовнинг фикрлари иштирокчиларга ўқиб эшиттирилди.

Ижрочи директор йирик анжуманинг Тошкентда ташкил этилгани учун имконият яратган Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирган. Ушбу сессия мамлакатларга минтақавий ҳамкорликни мувофиқлаштиришни, айниқса, Афғонистонда гиёҳванд моддалар ишлаб чиқаришнинг рекорд даражалари ва бу билан боғлиқ муаммоларни ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш учун яхши имконият беради. Қуйи комиссия йиғилишининг иштирокчилари гиёҳванд моддалар муаммоси билан боғлиқ таҳдидларга қарши курашиш бўйича миллий ва халқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни кучайтириш ва халқаро ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор.

БМТнинг наркотиклар ва жиноятчилик бошқармасининг

Марказий Осиёдаги ваколатхонаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази ташкилотчилигида ўтказилган тадбирда гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашда минтақавий ва қуйи минтақавий ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва бу билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар муҳокама қилинмоқда.

Муаммони ҳал қилиш ҳар томонлама, кўп тармоқли, бир-бирини тўлдирувчи, мувозанатли, илмий асосланган ва комплекс ёндашувни талаб қилади. Шу мақсадда кенг форматли ушбу йиғилишда гиёҳвандликка қарши курашишда тезкор маълумот алмашишни янада ривожлантиришга аҳамият берилади. Чунки минтақавий ҳамкорлик платформаларининг ролисиз наркотик моддалар айланишига чек қўйиш мушкул.

Синтетик опиоидлар ва синтетик каннабиноидларнинг ноқонуний савдоси ва унга қарши кураш чораларини кучайтириш бўйича янги услубларни яратиш ва амалда жорий этиш бўйича фикр алмашилади. Чунки наркотик моддалар бугунги кунда бошқа ном ва бошқа кўриниш олиб, таъсир доираси ўсиб бормоқда.

Опиат моддалар ишлаб чиқариш ўчоқларига барҳам бериш, бу борада юзага келаётган муаммоларнинг ечимига эътибор қаратилади.

Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишнинг олдини олиш, айниқса, болалар ва ёшларни бунинг оқибатларидан огоҳ этишга оид тарғибот тадбирларини кучайтиришда таъсирчан услубларни кучайтириш зарур.

Ушбу мавзулар беш кун давом этадиган йиғилиш иштирокчилари томонидан ишчи гуруҳларга бўлинган ҳолда батафсил кўриб чиқилади.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА



Ўз шахсий энгил автомашина билан қонуний киракашлик қилиш учун ҳужжат олиш мақсадида дастлаб йўловчи ташиш уюшмасига бордим ва қандай ҳужжатлар кераклигини ўргандим.

Бунинг учун, энг аввало, автомашинами уюшмага ижарага берганимни нотариус орқали тасдиқлаб беришим, бунинг учун нотариусга 430 минг сўм тўлашим керак экан.

Ундан сўнг автомашинами сариқ ранга бўяшим ва бунга 1 миллион сўм индамай кетиб қоларкан.

Уюшманинг давлат рақами ва "техпаспорт" олишим учун эса 700 минг сўм харажат қиларканман. Транспорт вазирлиги аризамни кўриб чиқиши учун яна 223 минг сўм, энгил автомашинада йўловчи ташиш учун бир йиллик лицензияга 669 минг сўм, мажбурий сугуртага 44 минг сўм тўларканман. Йўловчиларни ташиш сугуртасига 661 минг сўм, шашка, наклейка, яшил чирок, тасометрга эса яна 4 миллион 500 минг - 5 миллион сўм атрофида тўланаркан.

Ана шундан кейингина уюшма аъзосига айланиб, ҳар ой уюшмага 1 миллион сўмдан тўлаб борарканман.



Уюшма томонидан меҳнат дафтарчангизга фақат иш стажы ёзиларкан, холос.

Яна бир ҳайратланарли жиҳати, уюшмага кунига 33 минг сўмдан ўз шахсий автомашинами ўзим ижарага олиб ҳайдаганим учун тўлашим керак бўларкан.

Мана сизга соҳа мутахассислари — амалдорлар ўйлаб топган тизим.

Маълумки, иш танқислиги учун аксарият юртдош-

»»» **Аччиқ, анмо очик гаппар**

ларимиз таксичилик билан шуғулланмоқда. Амалдорларимиз ана шундай вазиятни билиб турган ҳолда юқоридаги тизимни таклиф этишяпти. Бунинг ўрнига киракашлик билан шуғулланувчи шахсларга олдингидек яқка тартибдаги тадбиркорликни қўлласа бўлмайди. Бу оддий арифметика-ку. Қолаверса, бунинг учун институтда тўрт йил ўқиш шарт ҳам эмас.

Холис КИРАКАШ

Дунё мамлакатлари, миллатлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро таъсир доираси шу қадар кенгайиб бормоқдаки, айна пайтда бундан тўла ихоталанишга муваффақ бўлган давлат мавжуд эмас. Албатта, глобаллашув жараёнлари энг янги технологиялар асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, тезкор замонавий коммуникация ва алоқа воситалари, меҳнат унумдорлиги учун қулай шароитлар ва чекланмаган имкониятларни яратиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатларнинг ўзаро яқинлашуви, жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашув жараёнларининг тезлашувига хизмат қилмоқда. Шунинг учун ҳам кўплаб тадқиқотчилар шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда вужудга келаётган ихтилоф ва зиддиятларнинг асл сабабларини аниқлаш учун ижтимоий тараққиётнинг асосий мезонларини белгилаб олиш зарурлигини таъкидламоқдалар.



МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИК

уни таъминлаш миллий юксалишнинг бош омилдир

1-мақола

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йил 18 октябрдаги Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқида “Биз бугун инсоният тараққиётининг, таъбир жоиз бўлса, кескин бурилишлар рўй бераётган тарихий босқичда яшамоқдамиз. Кейинги йилларда Ер юзида кескин геосиёсий ўзгаришлар рўй берди, халқаро миқёсда хавфсизлик ва барқарорлик тизими издан чиқмоқда. Глобаллашув жараёнларининг тобора шиддатли тус олиши нафақат инсоният имкониятларини кенгайтирмоқда, балки зиддиятларнинг кескинлашуви, ривожланган ва қолоқ давлатлар ўртасидаги тафовутнинг ўсишига олиб келмоқда. Бунинг оқибатида тинчлик ва барқарорликка раҳна солаётган, моҳияти ва кўламига кўра, трансмиллий хусусиятга эга турли хатти-ҳаракатлар содир этилмоқда. Бошпанасиз қолиб, ўзга юртларда сарсон-саргардон юрган одамлар оғир мусибатларни бошдан кечирмоқда, қуролли қарама-қаршиликлар ва терроризм оқибатида бегуноҳ болалар, кексалар, хотин-қизлар ҳалок бўлаётир. Охири кўринмайдиган урушлар туфайли кўплаб мамлакатлар айронага айланмоқда”, деб энг долзарб муаммоларни кўрсатиб ўтган эдилар.

Статистик маълумотларга кўра, дунё миқёсида ҳар йили 4,5 миллиондан зиёд киши одам савдоси қурбони бўлмоқда. Ачинарлиси, уларнинг 1,2 миллиондан зиёди болалардир. Одам савдосининг тарқалиш даражасига кўра, Афғонистон жаҳонда иккинчи ўринни эгаллайди. Ушбу мамлакатлардан олиб чиқилаётган ва олиб кирилатган “жонли товар”ларнинг ўртача ёши 10-18 ёшни ташкил этади.

Глобаллашув жараёнларининг яна бир жиҳати у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб улгурганидир. Яъни ушбу ҳодиса миллий манфаатларимиз, юксак маънавиятли авлод келажагини таъминлаш йўлидаги давлат сиёсатини амалга оширишда жиддий таҳдидлардан бирига айланди ва ушбу таҳдидлар кундан-кунга кучайиб бормоқда. Маънавий таҳдидлар ирқи, тили, дини, этникодидан қатъий назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига, унинг айнан руҳий

оламини издан чиқаришга қаратилган мафкуравий, ғоявий ва ахборот хуружларидир. Айна вақтда ахборот хуружлари атом қуролидан-да кучайиб бормоқда. Хабарингиз бор, кейинги пайтларда Интернет орқали хавфли ўйин – “Кўк кит” балоси тобора ёпирилиб келмоқда. Бугун ушбу ўйин кириб бормаган ҳудуд қолмади ҳисоб. 2016 йили ушбу ўйин туфайли Россияда 720 нафар, Қирғизистонда 95, Қозоғистонда 33 нафар ўсмир ўз жонига қасд қилган. Фақат Россиянинг “Vkontakte” ижтимоий тармоғида 300 дан ортиқ суиқасд гуруҳлари борлиги ҳам унинг хуружи тобора ортиб бораётганлигини англатади. Умуман айтганда эса дунё миқёсида Интернет орқали ҳар хил турдаги психологик урушлар авж олмоқда.

АҚШда ўтказилган тадқиқотда эса яна бир қизиқ ҳолат аниқланган. Яъни 7-18 ёшдаги болаларнинг 80 фоизи ҳар кунги ўз электрон почтасига вирусли файл қабул қилади. Кибермақонда сайр қилаётган ҳар бешинчи бола Интернет таҳдидига бир марта бўлса-да учрагани, ҳар тўрттинчиси ёшига мос бўлмаган ахборотни олгани ҳам юқоридаги фикрлар бежиз эмаслигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам аксарият экспертлар болалар ва ўсмирларнинг Интернетдаги салбий ахборотлар оқими ҳамда информация хуружлардан нисбатан кам ҳимоя қилинганини таъкидлашмоқда. Қолаверса, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро фонд — ЮНИСЕФ томонидан ташкил этилган сўровлар Интернетдан фойдаланадиган 90 фоиз болалар ахлоқсиз сурат ва видеоларга дуч келишини, 60 фоизи эса бу турдаги ахборотларни мақсадли равишда излаганини кўрсатди.

Мазкур хуружлар аниқ мақсадга қаратилган тажовуз бўлиб, улар турли хилдаги сиёсий технологиялар асосида амалга оширилмоқда. Улардан бири АҚШлик социолог Жозеф Овертон томонидан ишлаб чиқилган “**Ҳар қандай одатни**

ҳаётга синдириш” деб номланган сиёсий технологиядир. Ушбу технологияга кўра, бирор тушунча ё ҳодисани онга синдириш бир нечта босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқич: **Ақл бовар қилмаслик** — ғоя синдирилатган жамиятда оммавий тарзда тақиқларни бекор қилишга эришиш;

Иккинчи босқич: **Қатъиятлик** — олимлар ва мутахассисларни фаол тарзда жалб этиш: очиқ ва расмий тарзда конференциялар, симпозиумлар уюштириш;

Учинчи босқич: **Маъқуллаш ва мақбуллик** — жамиятга хос бўлган “гуноҳ” тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартириш;

Тўртинчи босқич: **Мантиқийлик** — жамиятда илгари сурилган ғояга нисбатан турли қарашларни шакллантириш. Қаршилиқ қилганларни янги ғоялар кушандаси, эскилик сарқити сифатида қоралаш;

Бешинчи босқич: **Стандарт ўлчов** — мазкур ғоя оммавий ахборот воситаларида фаол тарғиб қилинади. Бу жараёнга машҳур кишилар жалб этилади. Одамлар онгига тегишли маълумотлар синдирилади;

Олтинчи босқич: **Амалдаги норма** — ёт ғоялар меъёрий ҳужжатларга киритилади. Қачонлардир ақлга сиғмайдиган воқелиқлар ижтимоий ҳаётнинг меъерларига айланади.

Айна пайтда ушбу технологиялардан фойдаланган ҳолда ахлоқсизлик, ғоялари тарғиб этилмоқда, турли давлатларда рангли инқилоблар уюштириляпти. Хусусан, мазкур технологиялар асосида Шарқий Европанинг бир қатор мамлакатларида маҳаллий аҳоли иштирокида сиёсий режим алмашишни билан тугалланадиган кўча тартибсизликлари ва оммавий намойишлар амалга оширилди. Жумладан, 2003 йили Грузиядаги Атиргуллар инқилоби, 2004 йили Украинадаги Зарғалдоқ ранг инқилоби, 2005 йили Қирғизистондаги Лолалар инқилоби, 2008 йилда Арманистондаги рангли инқилобга уриниш, 2010-2015 йилларда эса Яқин Шарқ ва Украинадаги инқилоблар шулар жумласидандир.


Мана шундай нозик вазиятда одамлар ўз мустақил фикрига, замонлар синови-

дан ўтган ҳаётининг миллий қадриятларига, соғлом дунёқараш ва мустақам иродага эга бўлмаса, шубҳасиз маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишидаги таъсирига бардош бериши қийин. Шу боис ҳам бугун Шарқ ва Ғарб бўладими ёки олис Африка ёхуд Осиё қитъаси бўладими маънавиятга қарши қандайдир таҳдид пайдо бўлса, ўз келажагини ўйлаб яшайдиган ҳар бир инсон, ҳар бир халқ ташвишга тушиши табиий, албатта. Ҳозирги давр цивилизацияси шундан далолат берадики, жамиятнинг маънавий хавфсизлигини таъминлай олмай туриб, истиқболли келажақни тасаввур қилиш мумкин эмас. Шу боис, жамиятда маънавий хавфсизликни таъминламай давлат миллий хавфсизлиги, юртимизда бугунги кунда кечаётган улкан ислохотларнинг самардорлигига эришиб бўлмайди. Чунки маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. Жаҳон тажрибасидан маълумки, илғор ва ривожланган давлат барпо этишнинг зарурий шarti ҳам юксак маънавиятга эга бўлишдир.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда барпо этилаётган адолатли демократик ҳуқуқли давлат ва юксак маънавиятли фуқаролик жамиятини шакллантиришда маънавият, маърифат ва тарбия масалалари давлат сиёсатининг асосий йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимда “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” деган устувор ғояга алоҳида эътибор қаратиб, “Бугун Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига дадил қадам қўймоқда. Мамлакатимизни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонун устуворлигини таъминлаш асосида Ўзбекистоннинг янги, демократик қиёфаси яратилмоқда. Бу борада Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” деган устувор ғоя биз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда”, деб таъкидлади.

Ақбар ЭШМУРАДОВ,
ЎзМУ мустақил тадқиқотчиси

ИСПАНИЯДА ПАРЛАМЕНТ ТАРҚАТИБ ЮБОРИЛДИ



қилиб кўрди, лекин натижа Испания социалистик ишчилар партияси вакиллари кутганидек бўлиб чиқмади.

Испания қироли Филипп VI парламентнинг икки палатасини ҳам тарқатиб юбориш ҳақидаги қарорни имзолади. Янги умумий сайлов эса 10 ноябрь кунига белгиланди. Tass.ru сайтининг Депутатлар конгресси (куйи палата) маълумотига асосланиб хабар беришича, бу қарорни аввалроқ Испания Бош вазири имзолаган. Парламентнинг тарқатилиш

ҳолати эса Испания демократияси тарихида иккинчи бор юз беришидир.

Шу йилнинг 28 апрелида қиролликда партиялар "куч синашиш"ган эди. Натижада Испания социалистик ишчилар партияси ғолиб чиққан бўлса-да, Депутатлар конгрессида кўп ўрин эгаллаётган олимади. Зарур қўллаб-қувватлашга эга эмаслигига қарамай партия Конгресснинг ишончига киришга ҳаракат

Расмий Вашингтон Киев АҚШнинг собиқ вице-президенти Жозеф Байденнинг ўғли ҳаракатларини тергов қилишдан бош тортса, Украинага молиявий ёрдам беришни тўхтатиш билан таҳдид қилмаган. АҚШ Президенти Дональд Трамп журналистлар саволига жавобан шундай баёнот берди.



ТРАМП ЗЕЛЕНСКИЙГА БОСИМ ЎТКАЗГАНМИ?

"Мен сўрамаганман. Мен "шу ишни қилишингиз керак, йўқса ёрдам бермайман", деб айтмаганман. Мен бундай қилмасдим ҳам", деб айтган Трамп.

Аввалроқ Трамп Украина Президенти Владимир Зеленский билан июлдаги суҳбати вақтида унга босим ўтказгани ҳақида хабар қилинган эди. Бундан ташқари, Трамп Оқ уй Зеленский билан суҳбатининг стенограммасыни эълон қилиши мумкинлигини айтган. "Сиз суҳбат нима ҳақида бўлганини кўрганингизда, буни кўрасиз деб умид қиламан, мен бундай қилмаганимга иқдор бўласиз. Сиз бунга иқдор бўлгач, пушаймон қиласиз", деб айтган АҚШ Президенти.

АҚШ раҳбарининг таъкидлашича, у Зеленский билан суҳбати матнни эълон қилишни ҳеч қандай муаммосиз буюриши мумкин, бироқ ёмон ўрнатилган бўлмаслиги учун буни иста-

майди. "Буни осонгина қилишим мумкин. Бироқ хорижий етакчилар билан бошқа суҳбатларимни ҳисобга олиб, буни қилишни истамасдим. Буни қўнғироқ мен томондан ҳам, у томондан ҳам (Зеленский) беэҳтиёт бўлгани учун қила оламан. Бироқ бошқа давлатлар етакчилари билан суҳбатлар мазмунини очиклашни яхши ўрнатилган бўлади, деб ҳисобламайман", деб қўшимча қилган Трамп.

2020 йилги президент сайловлари бўйича рақиб Жо Байден Трампнинг Зеленский билан суҳбати матнни эълон қилишни талаб қилган эди. Бироқ АҚШ давлат котиби Майк Помпео Трамп ва Зеленскийнинг суҳбати махфий характерга эга эканлигини ва шу сабабли унинг матни эълон қилинмаслигини маълум қилган.

СЕНАТОР ИККИ КИШИНИ ОТИБ ҚЎЙДИ

Гаити бош вазири Фритс Уильям Мишел номзодида овоз бериш маросимида содир бўлган отишма оқибатида икки киши жароҳат олди. Ўқ отган ҳам бегона эмас — сенаторлардан бири Ян-Мари Ральф Фетье.



"Коммерсант" нашри "Гаити Либре" нашрига асосланиб хабар беришича, жароҳат олганлардан бири — Associated Press агентлигининг фотомухбири ҳозирда шифохонада. Жароҳат олганларнинг иккинчиси эса Сенат маъмурияти ходимидир.

Фетье ўзининг ушбу ҳаракатини парламент биносига киришга уринган жиноятчилардан ҳимояланиш мақсадида амалга

оширганлиги маълум қилди. "Мен ўзимни ҳимоя қилдим. Ҳимоя — бу муқаддас ҳуқуқ", деб таъкидлаган Сенатор.

Буюк Британия Олий суди бош вазири Борис Жонсон илгари сурган парламент иши тўхтатиб қўйилишини ноқонуний деб топди. Бу ҳақида "Reuters" ахборот агентлиги хабар берди.

ОЛИЙ СУД ПАРЛАМЕНТ ИШИ ТЎХТАТИБ ҚЎЙИЛИШИ НОҚОНУНИЙ ЭКАНИНИ АЙТДИ



Мазкур иш бўйича тингловлар уч кун давом этди. Мазкур қарор Бош вазирининг обрўсига жиддий таъсир қилиши мумкин. Аввалроқ Буюк Британия Бош вазири Борис Жонсон парламент ишини 10 сентябрдан 14 октябргача тўхтатиб қўйиш учун қироличанинг розилигини олган эди.

Аксарият парламентчилар Жонсонни мамлакатни 31 октябрда Европа Иттифоқидан келишувсиз олиб чиқишга уринишда, парламент ишини тўхтатиб қўйиш учун қироличанинг розилигини олиш мақсадида ёлгон ахборот беришда айблаган эди. Олий суд уларнинг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлади.

Аёллар сиёсатда

- 2019 йил февраль ойи ҳисоб-китобларига кўра дунё мамлакатлари миллий парламенти аъзоларининг 24,3 фоизи хотин-қизлардан иборат. 1995 йилда эса бу рақам 11,3 фоизни ташкил этган.
- 2019 йилнинг июнь ойи ҳолатига кўра, дунёда 11 аёл мамлакат раҳбари, 12 аёл ҳукумат раҳбари сифатида фаолият юритмоқда.
- Дунё миқёсида 27 та малакатда парламентнинг икки палатасидаги аёллар сони эркакларга нисбатан 10 фоиз кам, учта давлат миллий парламентида эса аёллар умуман йўқ.

Сиёсатдонлар маслаҳати

- "Ҳамма нарса сизга қаршидек туюлган пайтда самолёт шамол билан эмас, унга қарши учинини эсланг".
(Генри Форд, АҚШда автомобиль саноати асосчиларидан бири)
- "Лидерликнинг сирини "ҳа" эмас "йўқ" дея олишда. "Ҳа", дейиш эса жуда осон".
(Тони Блэр, Британиянинг 73-Бош вазири)
- "Одамлар лидер ва бошлиқ ўртасида қандай фарқ бор, деб сўрашди. Лидер йўлбошчи ҳисобланади, бошлиқ эса бошқарувчи".
(Теодор Рузвельт, АҚШнинг 26-Президенти)
- "Ўз фикрини ҳеч қачон ўзгартирмайдиган одам ақмоқдир".
(Уинстон Черчилль, Бирлашган қироллик Бош вазири (1940-1945 й.))

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Bugun Toshkentda O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasi Markaziy kengashining XVIII Plenumi bo'lib o'tadi.

Unda O'zMTDPning Oliy Majlis Qonunchilik palatasi, Qoraqalpog'iston Respublikasi Jo'qorg'i Kengesi, xalq deputatlari viloyat, tuman va shahar Kengashlariga bo'lib o'tadigan saylovda O'zMTDPning ishtiroki, partiyaning Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyatlar, Toshkent tuman va shahar partiya tashkilotlarining navbatdagi Konferensiyalarini o'tkazish, partiyaning yangi tahrirdagi Ustavi, Dasturi hamda saylovoldi Platformasi loyihasi, O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining VI Syezdini chaqirish, shuningdek, partiya vakolatiga doir boshqa masalalar muhokama qilinadi.

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasi xalqni "Milliy tiklanishdan — milliy yuksalish sari" umummilliy g'oyasi atrofida birlashtirishga asoslangan mamlakatni rivojlantirish yo'lini qo'llab-quvvatlaydi.

O'zMTDP saylovoldi Platformasidan

“2019-YIL, 22-DEKABR.

“YANGI O'ZBEKISTON. YANGI SAYLOVLAR!”

Bu galgi saylovda 20 milliondan ortiq saylovchi besh siyosiy partiyadan ko'rsatilgan nomzodlarga ovoz beradi. E'tiborlisi, ularning ikki millionini saylovda ilk bor ishtirok etayotgan yoshlar tashkil qiladi.

“Bir odam — bir ovoz” tamoyilini qaror toptirish maqsadiga muhim yangiliklardan yana biri — butun mamlakat bo'yicha saylovchilarning yagona elektron ro'yxati shakllanishidir.

Saylov jarayonlari bilan bog'liq ma'lumotlarni endi kun-u tun ishlaydigan “Call-center” markazi hamda telegram.bot orqali olish mumkin.

Shu yilning 20-sentyabr kuni O'zbekiston Respublikasi Markaziy saylov komissiyasining Xalqaro matbuot markazida bo'lib o'tgan majlisida 2019-yil 22-dekabr — Oliy Majlis Qonunchilik palatasi hamda Mahalliy Kengashlar deputatlari saylovi kuni deb belgiladi. Komissiya raisi Mirzo Ulug'bek Abdulalomov Saylov kampaniyasi 20-sentyabrdan boshlanganini e'lon qilib, ushbu sana katta o'zgarishlar davrida yashayotgan xalqimiz uchun demokratik tamoyillarga nechog'lik amal qilishimizni ko'rsatuvchi hamda fuqarolarning davlat boshqaruvidagi ishtirokini ta'minlovchi muhim siyosiy kun sifatida tarix sahifasidan joy olajagini ta'kidladi.

Majlisda bo'lajak saylov O'zbekistonda

rivojlantirishning besh muhim ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasida o'z ifodasini topgan ilg'or demokratik g'oyalarning amaldagi yana bir yorqin ifodasi ekani aytili. Jamiyat hayotida ko'ppartiyaviylik, siyosiy pluralizm, ochiqlik va oshkorlik, bag'rikenglik kabi insonparvarlik tamoyillari tobora mustahkam o'rin olayotgani qayd etildi.

Komissiya raisi navbatdagi siyosiy tadbirning eng muhim jihatlari haqida gapirib, ilgari o'tkazilgan saylovlar besh qonun va 40 ga yaqin qonunosti hujjatlari bilan tartibga solingan bo'lsa, bo'lajak saylov yagona Saylov kodeksi asosida o'tkazilishini ta'kidladi.

Saylov kodeksini ishlab chiqishda uch asosiy manbaga tayanildi. Birinchisi, unda milliy qonunchilik va demokratik saylovlar o'tkazish borasidagi qariyb 30 yillik saylov amaliyotimizga e'tibor qaratildi. Ikkinchi manba ilg'or xorijiy tajribadan iborat bo'lib, yangi Saylov kodeksini ishlab chiqishda 40 davlatning saylov qonunlari o'rganildi. Uchinchi esa saylovlarga doir xalqaro standart va demokratik prinsiplar, jumladan, Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi, Fuqarolik va siyosiy huquqlar to'g'risidagi pakt, EXHning insoniylik mezonlari to'g'risidagi hujjatlar — 1990-yilgi Kopengagen hujjati, Parlamentlararo Ittifoqning Adolatli saylovlar to'g'risidagi deklaratsiyasi kabi o'ndan ortiq xalqaro hujjat tahlil qilindi. Ularning asosiy g'oya va

standartlaridan O'zbekiston Respublikasining Saylov kodeksi normalarida imkon qadar foydalanildi.

Ilgari har bir hududning o'z lokal ro'yxati asosida ish ko'rilar va bunda bir kishi bir necha uchastkadan ovoz berishi mumkin edi. Endi esa har bir saylovchining ovoz bergan-bermagani yagona bazada qayd etiladi. Elektron ro'yxat bir oila o'rniga bir kishi kelib ovoz berishi holatiga chek qo'yadi.

Bo'lajak saylovda O'zbekiston Ekologik harakatiga berilgan kvota chiqarib tashlandi va Saylov kodeksiga binoan endilikda siyosiy partiyalar Qonunchilik palatasiga bo'lajak saylovda 135 emas, balki to'liq 150 saylov okrugidan nomzod ko'rsatish huquqiga ega bo'ldi.

Imkoniyati cheklangan fuqarolar uchun ularning saylov uchastkalariga kelib-ketishi va ovoz berishi uchun qulay shart-sharoit yaratiladi: Brayl alifbosi asosidagi byulletenlar ishlab chiqiladi. Bu yilgi saylovda jazoni o'tash muassasalaridagi shaxslar ham ishtirok etadi. Ilgarigi saylovlarda faqat qamoqda o'tirgan, lekin hali sud hukmi chiqmagan, aybi to'la aniqlanmagan shaxslariga saylovda ishtirok etgan bo'lsa, endilikda jazoni o'tash muassasalaridagi ijtimoiy xavfi katta bo'lmagan va uncha og'ir bo'lmagan jinoyatlarni sodir etgan shaxslarga ham o'zining saylash huquqidan foydalanish imkoniyati yaratiladi. Shuningdek, ovoz berish jarayonida

saylovchilarga bir nechta belgilardan (+, v, x) birini qo'yish imkoniyati berilmoqda.

Shu kuni jurnalist va blogerlarning saylovoldi tadbirlar hamda saylov jarayonini kuzatishi, ommaviy axborot vositalarida keng yoritishiga xizmat qiluvchi Xalqaro matbuot markazi ishga tushirildi. Markaz zamonaviy axborot texnologiyalari bilan to'la ta'minlangan bo'lib, tezkor Internet tarmog'iga ulangan. Markazning hududiy bo'linmalarida ham xuddi shunday shart-sharoit yaratilgan.

Majlis nihoyasida O'zbekiston Respublikasi Markaziy saylov komissiyasi raisi, siyosiy partiyalarning rahbarlari Xalqaro matbuot markazining maxsus bezatilgan zaliga taklif etildi. Ular shaffof tugmchalarni bosib, saylov kampaniyasiga tantanali ravishda start berdi. Ulkan ekranda: “2019-yil, 22-dekabr. “Yangi O'zbekiston. Yangi saylovlar!” tasviri paydo bo'ldi. Marosimda hozir bo'lgan Markaziy saylov komissiyasi a'zolari, partiyalar, vazirlik va idoralar vakillari, mahalliy hamda xorijiy jurnalistlar boshlangan saylov kompaniyasini qarsaklar ila qarshi oldi.

Shundan so'ng saylov komissiyasi raisi hamda partiyalar rahbarlari jurnalistlarning saylov jarayoni bilan bog'liq savollariga javob berdi.

Ravshan MAHMUDOV, “Milliy tiklanish” muxbiri

O'zbekiston “Milliy tiklanish” demokratik partiyasi saylovga ilk qadamini qo'ydi. Partiya Markaziy kengashida saylov shtabi ochildi. Shtab ichida jurnalist va blogerlar uchun ochiq maydon tashkil qilinib, matbuot markazi xizmati yo'lga qo'yildi.

Ommaviy axborot vositalari xodimlari matbuot markazi xizmatidan xohlagan paytida foydalanib, saylov jarayoni va unda O'zMTDPning ishtiroki haqida o'zlarini qiziqtirgan ma'lumotlarni olishi imkoniyati yaratildi.

O'zbekiston “Milliy tiklanish” demokratik partiyasi Markaziy kengashida partiyaning Markaziy saylov shtabi ochildishi tadbiri bayramona tus olgani ham bejiz emas. Unda partiya fraksiyasi a'zolari, xalq deputatlari viloyat, tuman va shahar Kengashlariga O'zMTDPdan saylangan deputatlar, hududiy kengashlar vakillari, faollar, ommaviy axborot vositalari xodimlari ishtirok etdi.

Tadbirni Oliy Majlis Qonunchilik palatasi spikeri o'rinbosari, partiya Markaziy kengashi raisi Alisher Qodirov ochib berdi.

— Yangilanayotgan O'zbekistonda yangi saylov o'zgacha ruhda, yangicha muhitda o'tkazilishi har bir sohadagi islohotlar va o'zgarishlarni yaqqol namoyon etishi zimmamizga ulkan mas'uliyat yuklaydi, — dedi partiya yetakchisi. — Ushbu qizg'in siyosiy jarayonda O'zbekiston “Milliy tiklanish” demokratik partiyasi ham o'z g'oyalari hayotga izchil tatbiq etgan holda faol ishtirok etishni, parlamentda eng ko'p deputatlik o'rniga ega bo'lishni rejalashtirmoqda. “Inson o'zgarsa — jamiyat o'zgaradi” shiori ostida aholini ijtimoiy-iqtisodiy muammolarini o'rganish

va bartaraf etishga ko'maklashish, ta'lim va tarbiya sifati va uzluksizligini ta'minlashga e'tibor qaratish, milliy qadriyatlarimizni aholi orasida keng tatbiq etish asosiy maqsadlarimiz sanaladi. Ta'kidlash joiz, saylovga nomzodlarni tanlashda o'z strategiyamizni belgilab oldik. 28 mingdan ortiq xazira kadrlar orasidan partiya g'oyalari chiqur his etadigan, saylovchilar bilan muloqot qilishda ochiqlik, haqqoniylik va shaffoflikni ustun qo'yadigan nomzodlar tanlanadi. Barchangizdan saylov jarayonlarida faol ishtirok etishingizni so'rayman.

Tadbirda Markaziy kengash binosining konferensiya zalida ishtirokchilarga partiyaning saylovga tayyorgarlik

QANI, KETDIK...

O'zbekiston “Milliy tiklanish” demokratik partiyasining Markaziy saylov shtabi ish boshladi



jarayoni, Respublika bo'ylab o'tkaziladigan targ'ibot ishlari bo'yicha batafsil ma'lumot berildi. Markaziy saylov shtabida ommaviy axborot vositalari bilan ishlash bo'yicha o'ziga xos seminar mashg'ulotlari ham o'tkazildi.

Dilfuza MAHKAMOVA, “Milliy tiklanish” muxbiri

TADBIRKORLAR QATLAMI O'zLiDePni TARK ETAYAPTIMI?

O'tmishga aylanib borayotgan har bir kun bizni muhim siyosiy tadbir – parlament va mahalliy kengashlarga o'tkaziladigan saylovlarga yaqinlashtirmoqda. Saylovga uch oycha vaqt qoldi. Siyosiy partiyalar bo'lajak saylovda munosib ishtirok etish maqsadida targ'ibotning turli usullaridan foydalanmoqda. Bu jarayonni chetdan kuzatib turgan ayrim nodavlat tashkilotlar, ommaviy axborot vositalari esa ijtimoiy tarmoqlar orqali partiya va deputatlar faoliyati, umuman, bo'lajak saylov bilan bog'liq masalalarda turli so'rovlar tashkil etib, keng jamoatchilik e'tiborini tortishga harakat qilmoqda.


Albatta, bunday so'rovlar asosida deputatlar faoliyati, fuqarolarning bo'lajak saylovda qaysi bir partiya nomzodiga ovoz berishi, qaysi partiyaning qo'li baland kelishi bo'yicha tugal va yakuniy xulosa chiqarib bo'lmaydi. Ammo unda ishtirok etayotganlar soni tobora oshib borayotgani, ko'pchilik siyosiy jarayonga qiziqish bilan qarayotgani quvonarli holat. Qolaversa, ta'kidlash lozim, ayrim norasmiy so'rovlar natijasi fuqarolarning qarashlarini butkul o'zgartirib yuborishi ham mumkin.

"Yuksalish" umummilliy harakati ham bu borada anchayin faol. Umummilliy harakat fuqarolarni saylov jarayonlariga qiziqtirish, siyosiy partiyalar o'rtasida qizg'in raqobatni yuzaga keltirish maqsadida "Saylov — 2019" turkumida turli so'rovlar o'tkazaypti. Yaqinda "Yuksalish" infografikalar orqali siyosiy partiyalar elektoratining sifat tarkibini ma'lum qildi.

Kutilganidek, infografikalarda partiyalarning maqsad va vazifalari, g'oyasidan kelib chiqqan holda aholining qaysi qatlami manfaatini ko'proq himoya qilgan bo'lsa, a'zolari sonida o'sha soha xodimlari ko'pchilikni tashkil qilgan.

Infografikalarni kuzatib, ayrim partiyalar son ortidan quvish, a'zolari sonini sun'iy ravishda kengaytirish amaliyotidan hamon voz kechmaganini ko'rish mumkin. Misol uchun, XDPga doir infografikada partiya a'zolari safida na ilm-fan ahli, na yoshlarni ko'rish mumkin. Partiya safini, asosan, ijtimoiy himoyaga muhtojlar — pensioner, nogiron, nafaqa oluvchi, boquvchisi yo'q, ishsiz va tashqi migrantlar tashkil qilgan. So'rovdan Xalq demokratik partiyasi a'zolarining 55 foizidan ko'prog'ini tashqi mehnat migrantlari, mardikor va ishsiz fuqarolar tashkil qilgani haqidagi ma'lumot xiyla ajablanarli. Xorijda, asosan, "qora mehnat" bilan shug'ullanadigan migrantlar ko'ngliga partiya a'zo bo'lish istagi qay darajada sig'ishi mumkin?!

"Adolat" SDP a'zolarining 45 foizini sog'liqni saqlash va ta'lim sohasi xodimlari tashkil qilishiga ham shubhamiz bor. Chunki yaqinda




o'qituvchilarning telegram kanallaridan birida yozilgan xabarni o'qib qoldim. Unda aksariyat o'qituvchilar qaysi partiya a'zosi (hatto nomini ham aniq bilmaydi) ekanini oradan ancha vaqt o'tib bilganini taajjub bilan yozishgan. Yana bir o'qituvchi esa buning sirini oshkor qilgan: partiya vakillari maktab direktori bilan o'zaro kelishib, o'qituvchilarni o'z safiga a'zo qilgan. Ya'ni, partiya safiga ikkinchi tomonning xohishi bilan a'zo qilinmagan.

O'zLiDeP tashkil qilinganidan buyon tadbirkor va ishbilamonlar partiyasi ekan haqida bong urib, asosan, ularning manfaatlarini himoya qilishini ta'kidlab keladi-yu, negadir partiya safida ushbu qatlam egalari soni jami a'zolarining atigi 23 foizini tashkil qilgan, xolos. Yoki tadbirkorlarning partiyadan ko'ngli soviyotganmikan?

Avval boshdan ilm-fan ahli va ziyoli yoshlar partiyasi sifatida e'tirof etilgan O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasi o'z safiga haqiqatan ham ma'rifat ahlini ko'proq jamlagani bilan boshqa partiyalardan katta ustunlikka ega. Partiya o'z safida talaba yoshlarni birlashtirish bo'yicha ham eng yuqori ko'rsatkichni (46.9 foiz) qayd etgan.

Ma'lumki, yoshlar har bir davlatning kelajagi, salohiyatini belgilovchi muhim ijtimoiy qatlam sanaladi. Har bir jamiyatning taqdiri va istiqboli yoshlarning salmog'i, ma'naviy tafakkuri bilan belgilanadi.

Shu ma'noda, O'zMTDP a'zolari safida talabalarning ulushi qariyb 50 foizni



tashkil qilgani quvonarli holat. Zero, yoshlar ertangi farovon kunini "Milliy tiklanish" orqali ko'rayotgani bejiz emas. Chunki hozir tahsil olayotgan talabalar – ziyoli qatlam kelajagi. Ular ham ertaga o'zlari tanlagan yo'nalish bo'yicha yetuk mutaxassis bo'lib, ziyolilar safiga qo'shiladi. Qolaversa, partiya yoshlarning ong-u tafakkurini ma'rifat, ma'naviyat asoslari bilan to'ldirish, ularni milliy urf-odatlar, diniy bag'rikenglik ruhida tarbiyalashni bosh g'oya sifatida belgilagan. Ayniqsa, bugun globalashuv jarayoni tezlashayotgan, ommaviy madaniyat" tahdidi kuchayayotgan XXI asrda yoshlar masalasi haqiqatan ham hayot-mamot masalasiga aylandi.

Tan olish kerak, bugungi kun yoshlari zamonaviy fanlar, ilg'or texnologiya sirlarini o'zlashtirishda biz kattalarni anchayin ortda qoldirib ketdi. "Farzandlarimiz bizdan ko'ra kuchli, bilimli, dono va albatta baxtli bo'lishlari shart!" degan ezgu g'oya ostida yuksak zamonaviy talablarga javob bera oladigan, yangicha qarash va mustaqil fikrga ega yoshlar tobora ko'paymoqda. Shu bois, davlatimiz rahbari ham o'zini shu yurt kelajagi uchun jonini

tikishga tayyor, vatanparvar, bugun barcha sohada amalga oshirilayotgan islohotlarda shunchaki kuzatuvchi bo'lmay, yangicha innovatsion g'oya, takliflari bilan faol qatnashayotgan bir guruh iqtidorli yoshlarni vazirlik va idoralar, yirik kompaniya, banklar hamda nufuzli tashkilotlarga mas'ul lavozimlariga tayinlamoqda.

Shu jihatlarni e'tiborga olsak, O'zMTDP o'z safiga ko'proq yoshlarni birlashtirayotganini katta yutuq sifatida baholash mumkin. Jamiyatimizning "yangi qon'i sifatida qaralayotgan iqtidorli, ma'naviyati mukammal, ta'lim-tarbiyalii, milliy qadriyatlarimizni ulug'lovchi yoshlarga yurtimizning ertangi kunini bema'lol ishonib topshirsak bo'ladi. Zero, O'zMTDP milliy g'oya va uning mafkuraviy negizlarini puxta ishlab chiqish, yosh avlodni milliy g'urur va vatanparvarlik ruhida tarbiyalash kabi muhim vazifalarni o'zida mujassam etgan "Milliy tiklanishdan — milliy yuksalish sari" tamoyili va bosh g'oyasi tarafdoridir.

Ravshan MAHMUDOV,
"Milliy tiklanish" muxbiri

Partiya o'zbek tilini zamonaviy til taraqqiyoti qonuniyatlariga ko'ra rivojlantirish, adabiy til me'yorlariga to'liq amal qilish, davlat xizmatchilari davlat tilida erkin so'zlashish va hujjatlarni yuritish ko'nikmalariga ega bo'lishlarini nazorat qilish, bu borada nazoratni amalga oshiruvchi vakolatli organ tashkil qilish tashabbusini ilgari suradi.

O'zMTDP saylovoldi Platformasidan

Partiya, milliy axborot makoni va axborot infratuzilmasini rivojlantirmay turib, soʻz erkinligi va axborot ochiqligini taʼminlashga erishib boʻlmaydi, deb hisoblaydi.

OʻzMTDP saylovoldi Platformasidan

“SAYLOVLAR: GʻALABA STRATEGIYASI VA TAKTIKASI”

ana shu mavzuda joylarda oʻquvlar tashkil etildi

Saylov kompaniyasi rasman shu yilning 20-sentyabr kuni boshlangan boʻlsa-da, partiyalar allaqachon nomzodlarni deyarli saralab boʻldi.


Partiya Dasturi va saylovoldi Platformasiga qoʻshimcha va oʻzgartirishlar kiritish boʻyicha koʻplab debat, ochiq muloqot, davra suhbatlari oʻtkazildi.

Saylovda munosib ishtirok etishga yoʻnaltirilgan targʻibot-tashviqot tadbirlari yanada kuchaytirilyapti.

Oʻzbekiston “Milliy tiklanish” demokratik partiyasining hududiy kengashlarida oʻtkazilgan “Saylovlar: gʻalaba strategiyasi va taktikasi” mavzusidagi seminar-treninglar siyosiy tadbirga tayyorgarlikning muhim bosqichi hisoblandi. Uch kun davom etgan oʻquvlarida partiya viloyat, tuman, shahar kengashi raislari, mafkuraviy ishlar boʻyicha oʻrinbosarlar, faollar ishtirok etib, saylov bilan bogʻliq barcha jarayonlar xususida mutaxassislarining maʼruzalari tinglandi.

Maʼlumki, shu yilning 25-iyunida “Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti saylovi toʻgʻrisida”, “Oʻzbekiston Respublikasi Oliy Majlisiga saylov toʻgʻrisida”, “Xalq deputatlari viloyat, tuman va shahar Kengashlariga saylov toʻgʻrisida”, “Oʻzbekiston Respublikasining Markaziy saylov komissiyasi toʻgʻrisida” hamda “Fuqarolar saylov huquqlarining kafolatlari toʻgʻrisida”gi 5 qonun yaxlit holga keltirilib, yagona Saylov kodeksi qabul qilindi. Bu, albatta, bejiz emas. Chunki yuqorida nomi keltirilgan qonunlarda fuqarolarning saylov huquqlari bilan bogʻliq ayrim meʼyorlar ularning deyarli barchasida takrorlangan, qolaversa, dunyoning 40 davlatida Saylov kodeksi qabul qilingan. Shu bois Oʻzbekistonda ham xalqaro talab va tamoyillarga javob beradigan yagona Saylov kodeksini qabul qilish zarurati tugʻildi.

OʻzMTDP hududiy kengashlarida oʻtkazilgan seminar-treningdan koʻzlangan maqsad ham partiya vakillari orqali keng jamoatchilikni Saylov kodeksining mazmun-mohiyati bilan yaqindan tanishtirish, unga kiritilgan oʻzgartirish va qoʻshimchalar haqida maʼlumot berish edi. Shuningdek, trening ishtirokchilari “Oʻzbekiston Respublikasi saylov qonunchiligi”, “Xalqaro tuzilmalar va xorijiy davlatlar vakillarining Oʻzbekistonda oʻtkazilgan saylovlardagi ishtiroki”, “Saylov kompaniyasi taktikasi”, “Saylovoldi targʻibot-tashviqot va



Seminar-trening

OAV bilan samarali muloqotga kirishish”, “Saylov jarayonlarining ijtimoiy tarmoqlarda yoritilishi, blogerlarning saylov shaffofligini taʼminlashdagi oʻrni”, “Saylovga doir RR texnologiyalar”, “Siyosiy debat va bahs-munozaralarda oʻzini tutish va intervyu berish qoidalari” kabi mavzularda maʼruzalar tingladi. Saylovning demokratik tamoyillar asosida ochiq-oshkora, shaffof va adolatli oʻtishini taʼminlash boʻyicha oʻzaro fikr almashildi.

— Mamlakatimizda demokratik talablar va umumeʼtirof etilgan xalqaro standartlarga mos, fuqarolarning davlat hokimiyati vakillik organlariga saylash va saylanish huquqini taʼminlovchi saylov tizimi yaratildi, — deydi OʻzMTDP Qoraqalpogʻiston Respublikasi kengashi tomonidan oʻtkazilgan seminar-trening ishtirokchisi Jamila Oʻrozbayeva. — Seminarida saylov tizimiga kiritilgan oʻzgartirish va qoʻshimchalar haqida keng maʼlumot va tushuncha berildi. Siyosiy bilimlarimizni yanada mustahkamladik. Partiya xodimlarining saylov jarayoniga tayyorgarligi hamda “Saylov kodeksi”ning mazmun-mohiyati bilan tanishdik, nomzodlar bilan ishlash, ularni tanlab olish borasida tajribamizni oʻrtoqlashdik.

Samarqandda partiya viloyat kengashi tomonidan oʻtkazilgan seminar-treningda saylov jarayonining yanada shaffof va oshkora oʻtishini taʼminlash maqsadida joriy yilda Saylov kodeksi qabul qilingani, unga muvofiq saylov qonunchiligi yanada takomillashtirilib, qator yangi tartib va tamoyillar joriy qilingani taʼkidlandi. Saylov bilan bogʻliq mavzularda maʼruzalar oʻqilib, ishtirokchilarga zamonaviy saylov tizimi, rivojlangan davlatlar tajribasi haqida batafsil maʼlumot berildi.

— Bunday seminar-treninglar

Saylov kodeksidagi yangiliklarni keng jamoatchilikka yetkazish, siyosiy tadbirning yuksak saviyada oʻtishini taʼminlash, oʻz nomzodlarini ilgari surib, muvaffaqiyat qozonishga intilayotgan siyosiy partiya xodimlarining bilim va koʻnikmalarini yanada oshirishda muhim ahamiyatga ega boʻlishi shubhasiz, — deydi OʻzMTDP Qashqadaryo viloyati kengashi yetakchi mutaxassisi Shahnoza Qahhorzoda. — Saylovlarga puxta hozirlik koʻrish, nomzodlar oldida turgan muhim vazifalar, saylovoldi targʻibot-tashviqot ishlarini tashkillashtirish va unda muvaffaqiyat qozonish yoʻllarini izchil tahlil qilish, partiyaning munosib ishtirokini taʼminlash kabi maqsad va vazifalarimizni yana bir bor muhokama qildik, chora-tadbirlarni belgilab oldik.

— Partiya Navoiy viloyat kengashi oʻtkazgan seminar-treninglar odatdagidek emas, balki axborot texnologiyalaridan foydalangan holda interaktiv usulda oʻtkazildi, — deydi partiya Nurota tuman kengashi yetakchi mutaxassisi Sherali Allayorov. — Ishtirokchilar guruhlariga boʻlingan holda siyosiy masalalar boʻyicha qizgʻin bahs-munozara olib bordi, oʻz mustaqil qarash, fikr-mulohazalarini bayon etdi. Oʻquv jarayonida olgan bilim va maʼlumotlar saylovoldi targʻibot-tashviqot ishlarida qoʻl keladi, deb umid qilamiz.

Taʼkidlash lozim, seminar-treninglardan koʻzlangan asosiy maqsad, avvalo, saylovda Oʻzbekiston “Milliy tiklanish” demokratik partiyasining muvaffaqiyatli ishtirokini taʼminlash, xalq ishonchini qozonish, yurtimiz taraqqiyotiga oʻzining munosib hissasini qoʻshadigan, faol, tashabbuskor nomzodlarni deputatlikka koʻrsatish, partiya mavqeyini yanada mustahkamlashdir.

Ravshan MAHMUDOV,
“Milliy tiklanish” muxbiri

OʻzMTDP Toshkent shahar kengashi tashabbusi **Tanlov** bilan hamkor tashkilotlar ishtirokida yoshlarning adabiyot va sanʼatga boʻlgan qiziqishini oshirish, isteʼdodini yuzaga chiqarish, erkinligimiz qadriini yanada yuksaltirishga qaratilgan “Mustaqillik — mening tasavvurimda” koʻrik-tanloving yakuniy bosqichi boʻlib oʻtdi.

NAFIS SANʼAT SHAYDOLARI RAGʻBATLANTIRILDI

Prezidentimizning shu yil 19-mart kuni boʻlib oʻtgan videoselektor yigʻilishida ijtimoiy, maʼnaviy-maʼrifiy sohalaridagi ishlarni yangi tizim asosida yoʻlga qoʻyish boʻyicha ilgari surgan 5 muhim tashabbusi ijrosi doirasida oʻtkazilgan tanlovda poytaxtimizdagi barcha umumtaʼlim maktablarining 14–17 yoshdagi oʻquvchilari ishtirok etdi.

Tanlovning maktab va tuman bosqichi shu yilning aprel va may oylarida oʻtkazilgan edi. Ikki yoʻnalish — sheʼriyat va rassomlik boʻyicha tashkillashtirilgan maktab bosqichida 5 ming oʻquvchi qatnashdi, ular orasidan tanlab olingan 500 ishtirokchi tuman bosqichida bellashdi. Gʻolib boʻlgan 22 nafar iqtidorli oʻquvchi esa tanlovning Toshkent shahar bosqichida ishtirok etish huquqini qoʻlga kiritdi.

Maktab, tuman va shahar bosqichida xalq deputatlari Toshkent shahar va tuman Kengashlariga OʻzMTDPdan saylangan deputatlar ham kuzatuvchi, ham hakam sifatida faol ishtirok etdi. Shuningdek, hakamlar hayʼatiga Oʻzbekiston Yozuvchilar uyushmasidan atqoli shoirlar, Kamoliddin Behzod nomidagi Milliy rassomlik va dizayn institutidan mutaxassislar jalb qilindi.


— Tuman bosqichida gʻolib boʻlgan oʻquvchilarning ona Vatan, Mustaqillikni madh etgan eng sara sheʼr va tasviriy sanʼat asarlari yaxlit moʻjaz kitobcha holiga keltirilib, xalq deputatlari Toshkent shahar va tuman Kengashlari deputatlarining homiyligida chop etildi, — deydi partiya Toshkent shahar kengashi raisi Otabek Jiyanbayev. — Shuningdek, rassomlik yoʻnalishida gʻolib boʻlgan ishtirokchilar asarlarining koʻrgazmasini ham tashkil qildik. Albatta, bunday tanlovlar ijod olamiga endi kirib kelayotgan yosh ijodkorlarning iqtidorini ragʻbatlantirish, ularning murgʻak qalbida adabiyot, tasviriy sanʼatga boʻlgan qiziqish va mehri yanada oshirishga xizmat qilishi, shubhasiz.

Sheʼriyat yoʻnalishida Sergeli tumani ishtirokchisi birinchi, Shayxontohur tumani vakili ikkinchi, Yunusobod tumani oʻquvchisi uchinchi oʻrinni egallagan boʻlsa, rassomlik boʻyicha Yashnobod tumani vakillari birinchi, Mirobod tumani ikkinchi, Yunusobod tuman vakillari esa uchinchi oʻringa munosib koʻrildi. Gʻoliblar, maktab jamoalari va oʻqituvchilar OʻzMTDP hamda hamkor tashkilotlarning tashakkurnoma va esdalik sovgʻalari bilan tafdirlandi.

Bunyod OʻROLOV,

OʻzMTDP Toshkent shahar kengashi yetakchi mutaxassisi





**BUXORO
NEFTNI QAYTA
ISHLASH ZAVODI**

BUXORO NEFTNI QAYTA ISHLASH ZAVODI JAMOASI

mamlakatimiz rivoji yo'lida yosh avlodga
ta'lim-tarbiya berayotgan fidoyi hamyurtlarimizni

**1-oktyabr — Ustoz va
murabbiylar kuni**

bilan samimiy muborakbod etadi!

Xonadoningizdan tinchlik-xotirjamlik,
fayz-u baraka arimasin!



"Milliy tiklanish" ijtimoiy-siyosiy gazetasidagi maqolalarni milliytiklanish.uz saytida ham o'qing!

MILLIY TIKLANISH

TAHRIR HAY'ATI:

Alisher QODIROV — hay'at raisi,
Ilhom ABDULLAYEV, Amriddin BERDIMURODOV,
Abduq'afur MAMATOV, Feruza MUHAMMADJONOVA,
Akmal SAIDOV, Ortiqali QOZOQOV, Muhammadjon
QURONOV, Behzod NORBOYEV — bosh muharrir.

Bosh muharrir o'rinbosari: Ismat XUDOYOROV

TAHRIRIYAT MANZILI: Toshkent-100000,
Amir Temur ko'chasi, 1-tor ko'cha, 2-uy.
Gazeta tahririyat kompyuter markazida
terildi va sahifalandi.

TELEFONLAR: (0-371) Qabulxona (faks): 234-69-55,
Parlament va partiya hayoti bo'limi: 234-01-47,
Ma'naviyat, turizm, xalqaro hayot va axborot bo'limi:
234-87-73, Reklama va marketing bo'limi: 234-86-41,
Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari: 234-87-74,
Buxgalteriya: 234-87-73.

Hajmi: 3 bosma taboq, ofset usulida bosildi.
Qo'g'oz bichimi A-3.
"SHARQ" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: "Buyuk Turon" ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi.

2008-yil 29-oktyabrda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan
№ 0223 raqami bilan ro'yxatdan o'tgan.

Buyurtma — Γ 926. Adadi — 10 020. Gazetaning bahosi kelishilgan narxda.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farq qilishi mumkin.
Tahririyatga kelgan xatlar doimiy e'tiborida bo'lib,
ular mualliflariga qaytarilmaydi.

Navbatchi muharrir: Muxtorbek ABDULLAYEV.

Navbatchi: Dilfuza MAHKAMOVA.

Sahifalovchi: Dilimurod DO'STBEKOV.

Elektron pochta: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru

Bosishga topshirish vaqti — 21.30. Topshirildi — 6.30 UzA yakuni 22.10

ISSN 2018-7714

